УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
24 АПР. 1991

Бутуң дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● №76 (20. 943) 1991 йил 19 апрель, жума ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.



*

Сиз суратда кўриб турган мана бу йигит Самарқанд вилоятининг «Улус» давлат хўжалиги чўпони Эломон Алломуродов. У 597 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 100 тадан қўзи олишга эришди. Қўзиларнинг 70 фоизи ўстиришга қолдирилди.

Тоҳир НОРҚУЛ
тушурган сурат.

*

ОДАМЛАРНИНГ ДИЛИДАГИ ГАПЛАР

Ўзбекистон ССР Президенти номига келган хатларни ўқиб

Шу кунларда Ўзбекистон Президенти номига меҳнаткашлардан кўплаб хат ва телеграммалар тўхтовсиз келиб турибди. Уларнинг муаллифлари — оддий ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, уруш ва меҳнат ветеранлари, қаҳрамон оналар, мамлакатимизнинг олис ҳарбий қисмларида Ватан олдидаги йигитлик бурчини шараф билан адо этаётган ўзбекистонлик ёшлар...

Бу мактублар турли мазмунда бўлиб, уларнинг ҳар бирида, ҳар сатрида мураккаб ҳаёт нафаси, бугунги кун ташвишлари, эртаги умид-ишончлар сезилиб турибди. Қалб қўри ва кўз нури билан битилган бу хат ва телеграммаларда бутун мамлакатимиздаги каби бизнинг республикамизда ҳам амалга оширилаётган инқилобий ўзгаришлар — қайта қуриш, демократия ва ошкоралик тўғрисида, меҳнаткаш халқимиз манфаати учун қилинаётган амалий ишлар ҳақида, қатор муаммолар тўғрисида фикрлар билдирилган. Уларнинг айримлари Ўшда бўлиб ўтган воқеаларга тааллуқли, аксарият кўпчилигида эса одамларга кўрсатилган ва кўрсатилаётган катта ғамхўрлик учун Президентимизга чуқур миннатдорчилик сўзлари изҳор этилган.

Қашқадарё вилояти, Чироқчи ноҳиясидан Р. Тиллаев, Самарқанд вилояти, Пахтачи ноҳиясидаги «Ленинчи чорвадор» совхозидан У. Тошниёзов, И. Зокиров (ҳаммаси бўлиб хўжаликнинг 19 ветерани имзо чеккан), Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ ноҳиясидаги Қозоқдарё овулидан Аллан Ешмуратов, Тошкент вилояти, Ғалаба ноҳиясидаги «Коммунизм» совхозидан пенсионер Ортиқ Холиқулов, Бекобод ноҳиясидан Абдубашир Мирмуҳамедовлар оиласи ва бошқалар ўзларининг мактуб ва телеграммаларида Президентнинг республикамиз халқининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, ўлкада ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган куч-ғайратини кенг қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этганлар.

Мактубларда миллий муносабатлар, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўшлик А. Нуритдиновнинг мактубида жумладан шундай дейилади: «Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Ўш вилоятига қилган сафарингиз муносабати билан Сизга Ўзган шаҳрининг Мажримтол маҳалласи аҳолиси номидан чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Сизга сиҳат-саломатлик тилаймиз».

Ана шу вилоятнинг Ўзган шаҳридаги Байналмилал кўчасида истиқомат қилувчи Абдуғаффоров бу ерда яшаётган аҳоли шанига айтилган самимий ва илиқ сўзлари ҳамда уларни маънавий томондан қўллаб-қувватлагани учун Президентимизга миннатдорчилик билдирган.

Андижон вилоятининг Марҳамат ноҳиясидаги Алебаср кўча, 113-уйда яшовчи Мамадусмон Азизов Ўш воқеалари вақтида кишилар билан учрашиб, ҳолидан хабар олиб, уларга ҳамдардлик билдиргани учун кекса педагоглар номидан Президентга мингдан-минг раҳматлар айтади.

Мактубларнинг кўпчилиги Президентнинг шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва улар уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида яқинда чиқарган Фармони ҳақида.

Хазорасп ноҳиясидан Машариб Қўшназаров, Саъдулла Қурбонов, Розия Абдуллаева, Болтабой Жўманазаров, Хоразм вилояти саноат қишлоқ кенгашлари томорқа хўжаликлари уюшмасининг раиси Ҳалима Жумабоеваларнинг мактубида шундай дейилган: «Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, бизлар шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмаси аъзолари сифатида Сизнинг 1991 йил 18 мартдаги Фармонингизни зўр мамнуният билан кутиб олдик. Бизга моддий ёрдам кўрсатилишини деҳқонларга бўлган ғамхўрлик деб биламиз ва томорқа ерларимизда мўл ҳосил етиштирамиз деб Сизни ишонтирамиз. Сизни «Наврўз» байрами билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз, Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда улкан муваффақият тилаймиз».

Меҳнатобод ноҳияси шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси номидан А. Илашев йўллаган телеграммада шундай сўзлар битилган: «Нарх-наво ошиб, халқнинг турмуш шароити мураккаблашган ҳозирги даврда ночор деҳқон оилаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ аҳлининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмасининг шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантиришга ёрдам бериш фондини ташкил этиш учун бир миллиард сўм ажратиш ҳақидаги кўрсатмангиз районимиз халқини ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Бу хайрли ҳаракатингиз учун Сизга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз».

Қашқадарё вилояти, Нишон ноҳиясининг Ҳамза номли совхозидан Норбой Қаҳҳоровнинг мактубида жумладан шундай дейилади: «Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг бошқариш сиёсатингизни Қашқадарёда иш бошлаган пайтингиздан кузатиб келаман. Лекин, негадир бу хатни ёзишга мени Сизнинг «Комсомольская Правда» рўзномасининг мухбири ва немисларнинг ҳафтаномаси мухбири билан қилган мулоқотингиз ундади...

Мулоқотда айтганингиздек, мулкчилик шаклларининг босқичма-босқич жорий этилиши, айниқса, ўзбекистонлик кадрларни хорижга тажриба ўрганишга юбориш ва қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича олиб бораётган ишларингизни ўқиб севиндик, яйрадик. Бу нақадар ишончли ва аниқ йўл биз учун».

Сурхондарё вилояти Шеробод ноҳиясидан фермер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Сулаймон Сатторов, қаҳрамон она Баракат Жўраева, шу вилоятнинг Шўрчи ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан қаҳрамон она Зилола Тоирова, Киров номли жамоа хўжалигидан ижарачи Теша Жўраев, Жарқўрғон ноҳиясидан қаҳрамон она Турдихол Татиева, Хоразм вилояти, Хонқа ноҳияси Охунбобоев номли жамоа хўжалиги номидан Ёвқоч Абдуллаев, Янгиариқ ноҳияси шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмасининг раиси А. Абдуллаева, Жарқўрғон ноҳия кенгаши раиси Ж. Норалиев, ноҳия ижроия комитети раиси А. Раҳимов, ноҳия шахсий хўжалик эгалари уюшмаси раиси Т. Жовлиева, Сирдарё вилояти, Комсомол ноҳиясидан бир гуруҳ уруш ва меҳнат ветеранлари, Ильич ноҳиясининг Титов номли совхозидаги 12 болали она Зарбуви Маликова ва бошқалар ҳам республикада шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари — деҳқонларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва улар уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги Фармон учун миннатдорчилик изҳор қилганлар.

Президент номига келган мактублар ичида «Наврўз»га бағишланганлари ҳам анчагина. Бу мактубларнинг муаллифлари ўз хатларида «Наврўз»нинг тикланганлиги ва унинг республикамизда умумхалқ байрами деб эътироф этилганлиги тўғрисида, бу байрамнинг инсонпарварлик ва байналмилалчилик моҳияти Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг қалбларидан чуқур жой олганлиги ҳақида, ўтган йилдагидек бу йилги «Наврўз» байрамида ҳам ҳар бир фуқарога иззат-икром кўрсатилганлиги, қариялар, болалар, беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб, бевабечора ва боқувчисидан ажралганларга меҳр-шафқат кўрсатилганлиги тўғрисида ёзганлар.

Тошкент вилояти, Красногорск посёлкаси, Маяковский кўчасида истиқомат қилувчи II группа ногирони Зоя Максимовна Грибанова ўз қалб сўзларини мана бундай изҳор қилади: «Ўртоқ Каримов, «Наврўз» яхши ўтказилганлиги учун Сизга яна ва яна катта раҳмат дейман. Сиз бу байрамга қанчадан-қанча президентлик маблағи, куч-қувват ҳамда меҳнат сарфладингиз».

«Наврўз» байрами муносабати билан ҳозирда мамлакатимизнинг олис ҳарбий қисмларида Ватан олдидаги бурчини шараф билан адо этаётган ўзбекистонлик жангчи йигитлар ва уларнинг командирларидан ҳам Президентнинг табригига жавобан унинг номига энг яхши тилаклар битилган мактублар келиб турибди. Совет Армияси сафида Польшада хизмат қилаётган сержант Нодирбек Имомов, қисм командири Гуменюк, Челябинск шаҳридаги ҳарбий қисм хизматчиларидан бир гуруҳи йўллаган мактублар шулар жумласидандир.

Президентга келаётган хатларнинг муаллифлари орасида ёшлар оз эмас. «Ёшларнинг муаммоларига катта эътибор бераётганингиз учун раҳмат, — деб ёзибди ёш инженер Т. Ткач. — Ўзбекистонни ватаним деб биламан, шу ерда бахтимни топдим, қиз кўрдим. Минглар қатори мен ҳам донишманд, бағри кенг, ҳиммат-марҳаматли, меҳмондўст ўзбек халқидан миннатдорман. Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг доно сиёсатингиз туфайли шу меҳр-шафқатли юртда яшаш, меҳнат қилиш имкониятига эгаман. Мен шу эл ва халқнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши учун қўлимдан келганича ишлашга астойдил ҳаракат қиляпман. Яна айтмоқчи бўлган бир гапим бор: Сизнинг йигит-қизлар маданият муассасаларига ойида бир марта текин кириши ҳақидаги Фармонингизни ўқиб бошим осмонга етди. Дарҳақиқат, ёшлар нечоғли маданиятли, билимли бўлса, олдимизда турган муаммоларни ҳал этиш енгиллашади.

...Сиз давлат ҳокимияти халқ томонга юз ўгириши, эл-юртга хизмат қилиши учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдасиз. Сизнинг сиёсатингизни оддий халқ қўллаб-қувватламоқда».

Самарқанд вилояти, Жомбой ноҳиясидан Президентга хат йўллаган Ҳалима Ботирова «пахта иши» деб аталмиш адолатсизликлар оқибатида ноҳақ қамалган кишиларни оқлаш юзасидан Президент қилаётган хайрли ишлар учун миннатдорчилик изҳор этган. Ҳалима опа Президентга мурожаат этиб, ана шу савоб ишни бундан буён ҳам давом эттиришни илтимос қилади. Бу эса ноҳақ бадном этилган оилаларнинг рўшноликка чиқишига ёрдам беради.

Жумҳуриятимиз аҳли юртимиз учун мушкул бўлган ҳозирги даврда ўзининг фидокорона меҳнати билан оғир муаммоларни ҳал этиш учун курашмоқда. Ислом Абдуғаниевич номига келаётган хатларда шу ҳақда ҳам ёзилмоқда. Масалан, Қўқон ўрмон хўжалиги меҳнаткашлари номидан бир гуруҳ ўрмончилар мактуб йўллашиб, минг гектар теракзор бунёд этишганини ёзишган. 1993—1994 йиллардан бошлаб 20 минг куб метрдан, кейинчалик юз минг куб метрдан арзон ёғоч-тахта аҳолига етказиб берилади. Ушбу ўрмон хўжалигида ёрдамчи хўжаликлар ҳам ташкил этилган. Бу йил 4 миллиондан ортиқ кўчат етиштирилиб, вилоятларга жўнатилди. Серунум меҳнат самаралари ҳақида ҳикоя қилувчи бундай мактублар тез-тез келиб турибди.

Анъанавий миллий байрам — «Рўза ҳайити» муносабати билан ва меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп талаб-истакларини эътиборга олиб, республика фуқароларига 1991 йил 16 апрелда уларнинг ҳоҳишига мувофиқ ишга чиқмасликка ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда хўжаликларнинг маъмурияти ва касаба уюшмалари комитетлари билан келишилган ҳолда бу кунни кейинчалик ишлаб бериш рухсат этиш хусусидаги Президент Фармонини мўмин-мусулмонлар шоду-хуррамлик билан кутиб олдилар. Шу Фармон муносабати билан Президент номига диндорлар, жумҳуриятимиз вилоятларидаги бош имом хатиблар, уламолар номидан миннатдорчилик сатрлари битилган хатлар ва телеграммалар ҳам келди. Кўҳна қадриятларимиз эъзозланаётганлиги жами меҳнаткашлар қалбида акс садо бераётгани бу мактублардан аниқ-равшан кўриниб турибди.

Мактублар — халқ ҳаётининг кўзгусидир. Жумҳурият Президенти И. Каримов номига келаётган ҳар бир мактуб, унда билдирилган фикр-мулоҳазалар диққат-эътибор билан ўқилмоқда, синчиклаб ўрганилмоқда, кўтарилган муаммолар юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯПОНИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

М. С. Горбачев билан Т. Кайфу 17 апрель куни эрталаб музокараларнинг иккинчи, деярли уч соат давом этган даврасини ўтказдилар. Бу давра энг катта халқаро муаммоларга бағишланди. Шунинг ўзи олий даражада бошланган Совет—Япон мулоқотининг аҳамиятидан далолат беради.

М. С. Горбачев жаҳондаги туб ўзгаришларни қандай тасаввур этаётганини баён қилиб берди. Бу ўзгаришлар аввало Совет Иттифоқидаги қайта қуриш билан боғлиқдир. Лекин муайян пайтда кўп одамлар янги воқеликни сезиб олдилар. Нима қимматлироқ, ҳаётми ёки сиёсий жангларми, ким қандай системага мансуб ва у қандай мафкурага эътиқод қилади, деган савол пайдо бўлди. Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам фақат бир маърифатга мансубликни англаб етиш бошланди, умумбашарий қадриятларнинг аҳамияти устиворлигини тушуниш бошланди.

Бу жараён жуда қийин кечди. Лекин илгари бирбирига қарама-қарши турган томонлар ҳал қилувчи қадам қўйиб, эндиликда бу қадамнинг муҳим, қулай оқибатларини қайд этишлари мумкин. Совет—Америка ҳамжиҳатлиги халқаро вазиятни соғломлаштиришга ғоят катта ҳисса қўшди. М. С. Горбачев совет раҳбарияти АҚШ билан муносабатларда эришилган ҳамжиҳатликка қатъий содиқлигини асослаб берди, Президент Жорж Буш, унинг сиёсий тафаккури кўламига, у тутган йўлнинг пухталигига муносиб баҳо берди. Совет—Америка шерикчилиги сўнгги вақтдаги воқеаларда қаттиқ синовдан ўтди.

Умумевропа жараёнининг янги босқичга кўтарилганлиги ҳамда ушбу жараёнда қатнашаётган давлатларнинг кўпчилиги ўртасидаги муносабатларнинг мутлақо янгича тус олгани ўзгаришларнинг энг муҳим белгисидир. Жаҳон уруши бошланишининг амалдаги хавфи бартараф этилганлиги жаҳон миқёсидаги бошқа хавф-хатарларни ва уларнинг орасида «жанубий» деб сифат берилган мамлакатларнинг фожиали равишда орқада қолаётганлиги хавф-хатарини тағин ҳам равшан қилиб қўйди. Шу муносабат билан «еттилик»ка кирган иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлатларнинг аҳамияти ва масъулияти ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Совет — Япон муносабатлари, деб таъкидлади М. С. Горбачев, давлатларнинг, айниқса катта ва нуфузли давлатларнинг халқаро алоқалари умумий доирасига уйғун равишда қўшилиши керак. Бу алоқалар Осиё—Тинч океан минтақаси, Яқин Шарқ, жаҳон иқтисодиёти масалаларига, маҳаллий можароларни бартараф этиш ва бошқа масалаларга тааллуқли бўлса ҳам халқаро алоқалар умумий доирасига қўшилиши лозим ва шу муносабат билан уларнинг ҳар бири ўтказаётган сиёсатнинг оқибатини олдиндан кўра билиш ғоят муҳимдир.

СССР Президенти қайта қурушнинг халқаро аҳамиятини асослаб берди. Ҳозирги пайтда буни англаб етиш янги жаҳон сиёсатининг энг муҳим белгисидир, бу сиёсат қайта қуришни, айниқса, унинг ҳозирги ғоят ўткир босқичида қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади.

Форс кўрфазидаги урушдан кейинги вазиятни ва умуман Яқин Шарқ можаросини бартараф қилиш истиқболларини муҳокама этиш чоғида қарашларнинг жуда ўхшашлиги, шу жумладан БМТ воситаларининг аҳамияти, биргалашиб ҳаракат қилиш, минтақа хавфсизлик системасини барпо этиш, Фаластин муаммоси, ҳам арабларнинг, ҳам Исроилнинг манфаатларини таъминлаш йўллари хусусида қарашларнинг муштараклиги намоён бўлди.

М. С. Горбачев билан Т. Кайфу Корея ярим оролидаги вазият, Камбоджа муаммосини ҳал қилишнинг аҳволи тўғрисида фикрлашиб олдилар, бу соҳада ҳам асосий ёндашувлар анча ўхшашдир.

М. С. Горбачев Т. Кайфунинг музокаралар иккинчи даврасига баҳо бериш тўғрисидаги илтимосига жавобан: фикрлашувнинг кенг миқёслилигидан мамнунман, мулоҳазаларда кўпгина ўхшаш жиҳатлар борлигини кўриб турибман, буни сиёсий мулоқотни ва СССР билан Япония ҳамкорлигини юксалтириш учун яхши замин, деб ҳисоблайман, деди.

Музокарада А. А. Бессмертних, А. Н. Яковлев, К. Ф. Катушев, Н. Н. Губенко, Б. М. Исаев, А. В. Козирев, А. С. Черняев, И. А. Рогачев, Л. А. Чижов; Т. Накаяма, М. Сакамото, Х. Овада, Н. Хедо, С. Янаи, М. Орита, С. Эдамура, М. Того қатнашдилар.

* * *

Кечқурун СССР Президенти билан Япония Бош вазири яккама-якка учрашув чоғида икки томонлама муносабатларнинг асосий жиҳатларини чуқур таҳлил этишни давом эттирдилар, сулҳ шартномаси билан боғлиқ муаммоларни батафсил муҳокама қилдилар.

(ТАСС, 17 апрель).

ПАРЛАМЕНТДАГИ УЧРАШУВ

Токио, 17 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Япония парламенти ўзининг 100 йиллик тарихи мобайнида биринчи марта бугун Совет Иттифоқи ва Япониянинг бир қанча давлат байроқлари билан безатилди. Мамлакат қонун чиқарувчи олий органи раҳбариятининг таклифига биноан, СССР Президенти М. С. Горбачев ўзининг Японияга буюрган расмий ташрифи доирасида парламентга борди.

Вакиллар палатасининг раиси И. Сакураути совет раҳбарини депутатлар номидан табриклаб, СССР Президентининг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини таъкидлади. Совет давлатининг бошлиғи, деди у, тарихда биринчи марта бизнинг мамлакатимизга келди ва унинг халқига парламент минбаридан мурожаат қилмоқда. Бу эса буюк аҳамиятга эга бўлиб, икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очади.

Япония учун СССР муҳим қўшнидир, деб таъкидлади И. Сакураути. У мамлакатларимиз ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишончни янада кўпроқ мустаҳкамлаш, Осиё—Тинч океан минтақасида ва бутун дунёда тинчликни сақлаш ҳамда барқарорлик ишига ҳисса қўшади, деб ишонч билдирди.

Маслаҳатчилар палатасининг раиси И. Цутия ўзининг табрик нутқида бундай деди: СССР Президенти авж олдириб юборган қайта қуриш ва янги тафаккур сиёсати демократиялашни ривожлантириш ва кескинликни юмшатиш жараёнига ҳисса қўшди. XXI аср Осиё—Тинч океан минтақаси эраси бўлиб қолади, демоқдалар.

Парламент депутатлари ҳузурида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

* * *

СССР Президенти палаталарнинг раислари билан учрашди.

Физикадан XXV Бутуниттифоқ ўқувчилар олимпиадаси иштирокчиларига

Азизлар!

Сизларни, олимпиада иштирокчилари ва талабчан ҳакамларни, ташкилотчилар ва ҳомийларни билим ва зукколик мусобақаси билан табриклайман!

Сафларингиздан тинчлик ва ҳамкорлик йўлида, элимиз ва мамлакатимиз равнақи учун ҳормай-толмай меҳнат қиладиган, қолаверса, бобокалон алломаларимиздек янада улкан миқёсларда наф келтирадиган олимлар етишиб чиқишига ишонаман.

Бу тадбир сиз билан бир қаторда устозларингиз ва ота-оналарингиз қалбида фахр ва умидбахш ҳаяжонлар уйғотади. Ҳамма каби мен ҳам бу умидлар рўёбга чиқишига тилакдошман.

Илмнинг осон бўлмаган мушкул йўлларида барчангизга сабр-тоқат, изчиллик, ирода ва фидойилик тилаб, кашфиётлар завқидан доимо баҳраманд бўлинг дейман.

Сизларни жаҳонга донғи кетган олимларни тарбиялаган заминда яна бир бор муборакбод этаман ва бу замин сизга ҳам ана шундай олимларга хос парвоз майдони бўлишини тилайман!

Ўзбекистон Совет Социалистик
Жумҳурияти Президенти
И. КАРИМОВ.

ЁШ ФИЗИКЛАР МУСОБАҚАЛАШМОҚДА

Тошкентдаги 15-сонли махсус ҳунар-техника билим юртининг синфхоналари 18 апрель куни бу ерда очилган Бутуниттифоқ физика олимпиадаси майдонига айланди. Мамлакатнинг турли минтақаларидан 170 нафар юқори синф ўқувчиси Ўзбекистон пойтахтига келди. Улар Грузиядан ташқари барча иттифоқдош жумҳуриятларнинг вакилларидир. Мактаб ўқувчилари ўз билимларининг қанчалик теранлигини намойиш этадилар.

Назарий мусобақалардан сўнг тажриба даврасига учун давлат дорилфунуни, Тошкент политехника ва машинасозлик илмгоҳлари лабораторияларининг эшиклари очиб қўйилади. Бу илмгоҳларда болалар мустақил равишда лаборатория тадқиқотларини олиб боришлари ва уларни асослаб беришлари зарур. Ҳакамларга педагогика фанлари доктори, Низомий номидаги педагогика илмгоҳининг профессори Ботир Мирзааҳмедов бошчилик қилмоқда. Умуман ҳакамлар таркибига мамлакат ва Ўзбекистоннинг таниқли олимлари киритилган. Олимпиада ташкилот комитетига СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Москва физика-техника илмгоҳининг ректори, СССР халқ депутати Н. В. Карлов бошчилик қилмоқда.

23 апрель куни ёш физиклар мусобақаси ғолиблари аниқланади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков раислигида республика вазирликлари ва идоралари, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг Ўзбекистон умумхалқ ҳашарига тайёгарлик ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган кенгаши бўлди.

ЖУМҲУРИЯТ ҲАШАРИ: ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТЕКШИРИШ

Кенгашда Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамияти, Ўзбекистон Ленинчи коммунистик ёшлар иттифоқи Марказий Комитети, республика меҳр-мурувват ва саломатлик жамғармасининг 20 апрелда республика ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги мурожаатини корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва ўқув юртларининг жамоалари қўллаб-қувватлаганлиги таъкидланди. Ҳашар куни ишлаб топилган маблағни хайрия мақсадларига сарфлаш ташаббуси ҳам қўллаб-қувватланди. Меҳнат жамоалари ва ўқувчиларнинг шу кунги иши натижалари вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий Советларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳашарга қанчалик масъулият билан жиддий тайёргарлик кўрганликларига боғлиқ бўлади. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳашарда республиканинг деярли барча меҳнатга лаёқатли аҳолиси иштирок этади. 20 апрель куни ҳамма олий ва ўрта махсус ўқув юртларида машғулотлар ўтказилиши муносабати билан талабалар ва ўқувчилар 21 апрель куни ҳашарга чиқишга аҳд қилдилар.

Ҳашар куни республика шаҳарларида нон-булка, қандолат ва бошқа маҳсулотлар, чанқовбосди салқин ичимликлар сотадиган юзлаб буфетлар, кўчма дўконлар, ошхоналар ишлаб туради. Транспорт хизмати ва тиббий хизмат уюштирилади.

Кенгаш қатнашчилари жойларда амалга оширилган тайёргарлик ишлари тўғрисида ахборот бердилар. Ҳашарни ташкил этишдаги барча камчиликлар қолган вақт ичида бартараф этилиши лозим.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари Р. Ражабов, Э. Самандаров, К. Ж. Ҳаққулов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлди. Раёсат аъзолари — Ўзбекистон ССР халқ назорати комитети раиси М. М. Мирқосимов билан Марказий Назорат комиссияси раисининг ўринбосари И. Р. Иноғомовнинг жумҳурият бир қанча вазирликлари ва идораларининг, вилоятларининг, шунингдек Тошкент шаҳри бошқармалари, корхоналари ва ташкилотларининг коммунист раҳбарлари Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССРда аҳолига энг зарур молларни белгиланган миқдорда сотишни назорат қилишни кучайтириш тўғрисида»ги 1991 йил 1 апрель қарорини қандай бажараётганликлари юзасидан ўтказилган текшириш натижалари ҳақидаги ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Биргаликда ўтказилган текширишда коммунист— раҳбарларнинг кўпчилиги энг аввало мазкур масаланинг сиёсий аҳамиятини ҳисобга олаётганликлари, чакана нархлар ислоҳоти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирларни ўз вақтида ва тўла амалга оширишда шахсан жавобгар эканликларини ҳис қилаётганликлари аниқланди. Текширилган меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида ташкилий ишлар амалда ниҳоясига етказилган. Кўпгина саноат корхоналарида ишчи ошхоналарида овқатланганлик учун қўшимча ҳақ тўланмоқда, барча талабалар тушлик учун қиймати 1 сўм 50 тийинлик текин талонлар билан таъминланганлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг тавсиясига мувофиқ Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилган кишилар ва шахсий пенсионерларга ўзлари аввал бириктириб қўйилган ерларда, асосан «фахрий» дўконларида хизмат кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга текшириш чоғида жиддий камчиликлар ҳам очиб ташланди. Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов, Киров, Ленин, Чилонзор районларидаги бир қанча дўконларда ажратилган фондларга мувофиқ номенклатура бўйича савдо тармоқларига моллар етказиб беришнинг ҳар ўн кунга белгиланган миқдорига риоя этилмаётгани, савдо қоидалари қўпол бузилганлиги, харидорларнинг манфаатлари камситилганлиги фактлари аниқланди. Савдо ходимлари томонидан баъзан харидорларга нисбатан йўл қўйилаётган одобсизлик, қўпол муносабат, савдо шохобчаларида хизат қилиш тартибининг такомиллашмагани, белгиланган миқдордаги молларнинг йўқлиги аҳолида ҳаққоний равишда норозилик туғдирмоқда. Текширилган ишчи ошхоналарига озиқ-овқат маҳсулотлари муттасил етказиб берилмаслиги натижасида таомларнинг турлари кам бўлмоқда, ўринлар етишмаяпти, сифатсиз овқат тайёрланишига йўл қўйилмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ошхоналарига ўқувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари комбинатидан маҳсулотлар кечикиб келтирилмоқда, сут маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар етарли даражада олиб келинмаяпти, овқатнинг сифати қувватига кўра санитария нормаларига мос келмайди. Кўпгина мактабларнинг ошхоналарида, айниқса Киров ва Собир Раҳимов районларидаги мактабларнинг ошхоналарида шундай камчиликлар бор эди.

Бундай фактлар бошқа минтақаларда ҳам борлиги аниқланди. Чунончи, Қорақалпоғистон жумҳуриятида текшириш ўтказилган куни савдо корхоналарининг 10 фоиздан кўпроғи моддий бойликларни қайта баҳолашни тугалламаган ва амалда аҳолига хизмат кўрсатишмаётган, дўконларнинг бир қисми эса иш вақтида ҳам ёпиқ эди. Тошкент вилоятининг қатор районлари ва шаҳарларида маҳаллий совет идоралари ва савдо корхоналари раҳбарларининг хатога йўл қўйиши натижасида товар ресурсларини қайта ҳисоблаб чиқиш ва савдо шахобчаларини белгиланган миқдордаги кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш асоссиз равишда чўзилиб кетди. Аҳолига ун, гуруч, ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишда ҳам узилишларга йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раёсати ишларнинг бундай аҳволига савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги айрим ходимларнинг сусткашлиги ва одамларнинг эҳтиёжларига бефарқ қарашаётгани, бошқарув ўрта бўғинидаги раҳбарларнинг уларга нисбатан етарли даражада талабчанлик қилмаётгани, жойлардаги партия идоралари тегишли вилоят, шаҳар ва район корхоналари ҳамда ташкилотларининг коммунист раҳбарларига нисбатан талабчанликни пасайтириб юборганлари асосий сабаб бўляпти, деб ҳисоблайди.

Вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг назорат комиссияларига партия комитетлари билан биргаликда халқ назоратчилари, касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлар кенг доирасини жалб этиб, жойларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар қандай амалга оширилаётганини яна текшириш, бу ишда коммунистларнинг фаол қатнашишига эришиш тавсия қилинди. Ўз шахсий фаолиятсизлиги ва ўзбошимчалик билан ўйламасдан чиқарган қарорлари бозор иқтисодиётига ўтишдаги объектив қийинчиликларни чуқурлаштираётган, бу билан Ўзбекистон Компартиясининг обрўсига зарар етказаётган КПСС аъзоларига, энг аввало барча раҳбарларга талабни кучайтириш топширилди.

Олий таълим вазирлиги билан Халқ маорифи вазирлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо, умумий овқатланиш ва халқ маорифи бош бошқармалари раҳбар коммунистларининг тартиббузарликларнинг барча бандлари юзасидан айбдорларга нисбатан зарур хулосалар чиқарилади, уларга нисбатан ҳатто лавозимидан бўшатишгача бўлган жазо чоралари қўлланилади, Президент фармонлари ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан чиқарган қарорлари сўзсиз бажарилиши учун қўшимча тадбирлар кўрилади, деб айтган гаплари маълумот учун қабул қилинди. Раёсат КПСС аъзолари — республика миқёсидаги бошқарув бўғини раҳбарларининг шахсий партиявий жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қайта текшириш натижаларига кўра зарурат бўлганида муҳокама қилиш мумкин, деб ҳисоблади.

КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди номига юборилган шикоят-аризалар асосан кўриб чиқиб бўлинди. Коммунистларнинг бошқа шикоятлари ва аризалари, шу жумладан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари илмгоҳи ректори О. У. Салимовнинг аризаси юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди. СССР Прокуратураси жиноий воқеа йўқлиги сабабли унга нисбатан қўзғатилган жиноий ишни тўхтатганини, илмгоҳ бошланғич партия ташкилотининг илтимосномасини ва ижобий характеристика берганини ҳисобга олиб, Марказий назорат комиссиясининг раёсати О. У. Салимовни 1957 йилнинг май ойидан КПСС сафига тиклади.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ котиби Р. Ҳ. Абдуллаеванинг уни партияга тиклаш тўғрисидаги аризасини текшириш юзасидан Марказий назорат комиссияси раёсатининг аъзоси Н. А. Муҳиддинов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳнинг иш натижалари муҳокама қилинди. Текшириш ва Марказий назорат комиссияси назорат гуруҳи мажлисларида бир неча марта қилинган муҳокама чоғида аниқланганидек, у Марказий Комитетнинг 1987 йил 25 мартда бўлган Бюросида ўз шанига айтилган танбеҳларни, мафкуравий ва кадрлар ишида йўл қўйган камчиликлар ҳамда хатоларни эътироф қилган, айни вақтда бу хатолар умуман Марказий Комитет Котибияти ва Бюроси фаолиятидаги хато ва камчиликлар оқибати эканлиги тўғрисида ҳам фикр билдирган.

1987 йилнинг декабрида Марказий Комитет VII пленуми СССР Прокуратурасининг тақдимномаси асосида партия турмуши нормаларини қўпол равишда бузганлиги, ғаразли мақсадларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги ва порахўрлиги учун уни сиртдан КПСС сафидан чиқарган эди. 1990 йил 15 январь куни СССР Олий судининг жиноий ишлар судлов коллегияси Р. Ҳ. Абдуллаевага қўйилган айбларда далиллар бўлмагани учун уни айбсиз деб топди ва жиноий воқеа йўқлиги сабабли ишни тўхтатди. Шунингдек унинг мусодара қилинган мулки ва бойлиги қайтариб берилади.

Р. Ҳ. Абдуллаева КПССдан ўчирилаётган вақтида қўйилган айблар бекор бўлганини, ишда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун партиявий жавобгарликка (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби лавозимидан бўшатилган) тортилганини эътиборга олиб, Марказий назорат комиссиясининг раёсати Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ижтимоий-сиёсий муаммолар илмгоҳи бошланғич партия ташкилотининг уни КПСС сафига тиклаш тўғрисида 1991 йил 18 январдаги илтимосномасини асосли деб топди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатини қамоққа олишга рухсат беришда ва партиядан ўчиришда Р. Ҳ. Абдуллаеванинг депутатлик мақоми ва коммунистнинг Уставдаги ҳуқуқлари бузилганини, унинг фаолияти тўғрисида жумҳурият коммунистларининг кўпчилиги қарама-қарши мулоҳаза билдирганини, жамоатчилик фикрининг, шу жумладан Марказий Комитет ва Марказий назорат комиссияси аъзоларининг фикри бир хил эмаслигини ҳисобга олиб, Марказий назорат комиссиясининг навбатдаги пленумида мазкур масала юзасидан узил-кесил қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Пленум мажлисига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг собиқ аъзоларини, шунингдек республика партия ташкилотидан ташқарида партия ҳисобида турган собиқ аъзоларини таклиф этишга қарор қилинди.

Мажлисда партия ички турмушининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ҳалқнинг манфаати— ҳамма нарсадан улуғ

ҒИРРОМ ИШЛАР

«Совет Ўзбекистони» рейди

Шўрчидаги Далварзин матлубот жамиятига қарашли 27-дўконни худди қароқчи талагандай. Пештахталарда эскириб қолган мева шарбатидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Ҳа, десангиз магазин мудири Соатали Ортиқов бўлгани шу, деб елка қисади.

Лекин аслида иш бошқача. Замонанинг зайли боисиданми, Соаталининг омади юришиб қолди. Нарх-наво ошиш арафасида Шўрчи районлараро савдо базасидан 72 қопга тўлдирилган 2880 килограмм оқ қанд, 300 килограмм овқат содаси, 72 яшчик гугурт олиб чиқди-ю, бу молларни тўғри отасининг уйига туширди. Ҳар бир қутиси бир тийин бўлганда юз минг қути гугуртнинг пули 100 сўм бўладими ёки минг сўм бўладими, Соатали шунинг ҳисобини чиқаролмай боши қотди. Қарасаки, фактурада ҳамма рақам ойнадай равшан — базадан олиб чиқилган гугурт 2160 сўмлик. Шу пулни у шоша-пиша бешга кўпайтирди, (10 минг 580 сўм чиқди. (Чунки гугуртнинг бир қутиси янги нарх бўйича беш тийин қилиб белгиланган эди-да). Демак, қарасаки, шу молларни нарх-наво ошгандан сўнг дўконга чиқариб сотса биргина гугуртнинг ўзидан 8420 сўм «соф фойда» олар экан. Бунга оқ қант ва содадан келадиган фойдалар ҳам қўшилса, эҳ-ҳе, пулнинг тагида қолиб кетади-ку.

Соаталининг осмонга отган дўпписи қўлига қайтиб тушмади. Сири фош бўлди. Бизнинг қонунларимиз унинг бу қилмишига қандай муносабатда бўларкин. Ҳозирча буниси номаълум.

Шўрчи матлубот жамиятининг 41-дўкони мудири Фахриддин Ҳасанов ҳам Соаталига ўхшаб «қилиқ» кўрсатмоқчи бўлди. Дўконга эски нархда келиб тушган 1100 сўмлик молни яшириб қўйиб, янгича нарх билан сотиш ҳақидаги режалари пучга чиқди.

Ленин йўли матлубот жамиятининг (раиси Яхшибой Жабборов) 8-озиқ-овқат дўконини 8 апрель куни кириб кўрган киши бу чиндан ҳам қашшоқ дўкон экан, дейиши мумкин эди. Чунки бу ерда эскирган қуруқ сутдан ва шу районнинг нон цехида пиширилган, сифатининг ёмонлигидан ҳеч ким харид қилмасдан қотиб қолган нондан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Ахир аҳоли гавжум қишлоқда жойлашган дўконни шунчалик даражада қуп-қуруқ қилиб қўйиш инсофдан эмаслигини савдо ташкилотларининг раҳбарлари ўйлаб кўрмоқлари лозим эди-ку. Дарвоқе шу дўконнинг пештахтаси тагида 20 яшар сотувчи Хўшбек Жумаев 361 пачка «Астра» сигаретасини яшириб қўйибди. Оч қоринга саримсоқ деганлари шу бўлса керак-да!

Яна шу матлубот жамиятининг Хуррам Ҳасанов мудир бўлган дўконида тўрт-беш кундан буён унинг укаси Панжи Ҳасанов ишлаб турган экан. Тез ёрдам тиббий хизматида шофёр бўлиб ишлайдиган 26 яшар ёш йигитнинг юлғичлигини кўриб ҳайрон қоласиз. Олдинма-кетин у икки кишига чой сотди. Ҳолиқов деган харидордан 2 сўм 38 тийин, Кўчкелдиев деганидан 3 сўм 38 тийин юлиб қолди. Яшириб қўйилган моллари ҳам талайгина, рус арақидан 56 шиша, болалар пойабзалидан 42 жуфт.

Кўриб турибсизки, биз мисол келтирган айрим можароларнинг «бош қаҳрамонлари» келажагимиз бўлган деб аталадиган ёшларнинг вакиллари. Бу энди унча-мунча иқтисодий тақчилликдан ҳам кўра ташвишлироқ ҳолат.

Қолаверса, ички тижорат тармоғидаги ғирром юмушлар бу йилги серёмғир баҳорнинг қўзиқоринларидан ҳам кўпайиб кетди. Одамлар учун нарх-навонинг ошгани бир ташвиш бўлса, ўша қиммат матонинг ҳам магазинларга чиқмаётгани яна бир ташвиш бўлиб қўшилмоқда. Бутун жамоатчилик, халқ назорати, савдо-сотиқ инспекциялари, ишчи назорати кенгашлари бу ташвишни енгиллатиш учун ҳамкорликда иш тутишлари эндиликда ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолди.

О. ЖАББОРОВ,
Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси БХСС бўлинмаси бошлиғи

Ө. УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА

17 апрель куни СССР Олий Кенгаши палаталарининг алоҳида-алоҳида мажлисларида мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлашда СССР прокуратурасининг аҳамиятини оширишга доир долзарб тадбирлар муҳокама қилинмоқда. Куннинг биринчи ярмида Иттифоқ Советида ана шу мавзуда мунозара бошланди. Бу ерда СССР бош прокурори Н. С. Трубин мазкур масала юзасидан тайёрланган қарор лойиҳасини тақдим этди.

Бу ҳужжатни Иттифоқ шартномаси тузилгунича қабул қилиш зарурлигининг асосий сабаби, бош прокурорнинг фикрича, мамлакатда жамият ҳуқуқий асосларининг бузилиши давом этаётганлигидадир. Прокурор назоратининг самарадорлигига энг аввало, бутун қонунийлик системасининг беқарорлиги, қонун чиқариш амалиётига бир қанча жумҳуриятларнинг жумҳурият мустақиллигини мутлақо шарт қилиб қўядиган ғояларни жорий этишлари путур етказмоқда.

Лойиҳада жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларига мурожаат этиш ҳамда уларга мамлакат бутун ҳудудида СССР Қонунларининг аниқ ва бир хил бажарилишини таъминлашни тавсия қилиш кўзда тутилган. Депутатлар бош прокурорнинг СССР прокуратураси ҳайъати таркибига жумҳуриятлар ва Москва шаҳри прокурорларини киритиш, шунингдек, СССР прокуратурасида миллатлараро можароларга ва шу асосдаги инсон ҳуқуқларининг бузилишига тезда аҳамият берадиган махсус бўлинма тузиш тўғрисидаги таклифини ҳам муҳокама қиладилар. (ТАСС).

Андижон сув хўжалиги қурилиши бирлашмаси бунёдкорлари фойдаланишга топшираётган уйлар замонавий ва шинамлиги туфайли қишлоқ меҳнаткашларига манзур бўлмоқда.

Суратда: бирлашманинг Чинобод темирбетон буюмлари участкаси бригадири И. Бозоров (чапда) илғор ишчилар А. Саидқулов ва М. Раҳмонов.

Т. Ғафуров олган сурат.

ДАРОМАД—ИЖТИМОИЙ ЭҲТИЁЖЛАРГА

Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида нарх-наво ошганлигининг ўрнини қоплаш учун 1 миллион сўм пул ажратилди. Бирлашма трикотажчиларига ҳар куни тушлик қилиш учун қўшимча бир сўмдан пул тўланади.

Яна бир компенсация чораси сифатида корхонада ойлик мукофотлар миқдори кўпайтирилди. Ўз вазифаларини яхши уддалаётган ҳар бир ходимнинг иш ҳақи анча ошириб тўланади. Трикотажчиларнинг асосий мансаб маошларини ҳам ошириш учун имкониятлар изланмоқда.

Бу ерда молиявий қийинчиликларга қарамай, камбағалларга қўлдан келганча ёрдам беришмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг, қариялар ва ногиронлар интернат-уйларининг ҳисоб варақаларига ўнлаб минг сўм пул ўтказилди. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Рўзномамизнинг шу йил 14 март сонида эълон қилинган «Халқ иродаси» саҳифасида Ғаллаорол районидаги «Соҳибкор» совхозининг «Дўстлик» болалар боғчасида кичкинтойларнинг тарбиясига тўғаноқ бўлаётган камчиликлар айтиб ўтилганди. Ана шу ҳақда «СОҲИБКОР» СОВХОЗИ МАЪМУРИЯТИДАН расмий жавоб олинди.

Рўзномада тўғри таъкидланганидек, боғчада ўйинчоқлар етишмайди. Стол ва стуллар эскирган. Уларни янгилаш чора-тадбирлари белгиланди. Хўжалик қурилиш бригадаси ёрдами билан боғчадаги ўйин майдони кенгайтирилди. Тарбия масканида 3 та группа мавжуд бўлиб, уч тарбиячи Жиззах педагогика билим юртини тамомлаган. Лекин малака ошириш курсларида ўқишмаган. Уларни ўқитиш келгуси йил планига киритилди.

● «СУВЕРЕН РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА» ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

БИЗГА ҚАНДАЙ

МАМЛАКАТИМИЗДА референдум бўлиб ўтди. Кўпчилик янгиланган Иттифоқни сақлаб қолишни ёқлаб овоз берди. Бу — жуда яхши. Лекин янгиланган Иттифоқ ўзи нима? Ҳали бу саволга бирор жўяли, қониқарли жавоб топилган эмас. Ўзбекистон шу пайтгача Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг «тенг ҳуқуқли» аъзоси бўлиб яшаб келган бўлишига қарамасдан, на сиёсий, на иқтисодий жиҳатдан тўла мустақил, тўла тенг ҳуқуқли бўлмаган. Бизга янгиланган Иттифоқда яшашни таклиф қилишаётган экан, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қоғозда эмас, балки амалда мустақиллик берилиши керак. Негаки иқтисодий мустақиллик билан сиёсий мустақиллик эт билан тирноқ каби шундай бирикиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ажратишга ҳаракат қилинса тирноқ ҳам, эт ҳам зирқирайди, оқибатда бутун танага оғриқ киради, вужудни ларзага келтиради. Агар жумҳуриятимиз иқтисодий мустақилликка эришса-ю, лекин унга сиёсий томондан мустақиллик берилмаса, буни тўлақонли, мустақиллик деб бўлмайди. Бундай мустақилликни бўйинга солинган кўринмас сиртмоқ, деб аташ мумкин. Бу икки тушунчани бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Агар тенг ҳуқуқли Иттифоқ тузиш, уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий ва бошқа томонлардан тез суръатлар билан ривожланиши, яшнаб-гуллаши ҳақида гап борар экан, албатта ҳар бир жумҳурият тўла маънодаги мустақилликка эришмоғи керак. Ўз ҳудудидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий масалаларнинг ҳаммасини ўзи мустақил равишда ҳал қилиш ҳуқуқини қўлга олиши керак.

Суверен республикаларнинг Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси ана шу ҳуқуқни тўла-тўкис қўлга киритиш имконини берадими? Агар бу лойиҳа синчиклаб ўқиб чиқилса, оёқ-қўлни кўзга кўринмас чийратма иплар билан боғлаб ташлайдиган томонлари жуда кўп. Энг аввало бу ерда шуни таъкидлаш кераккн, агар шартнома лойиҳасининг IV боб 20-моддаси қабул қилинадиган бўлса, яна миллий тиллар қисиб чиқарилиб, рус тили ҳукмронлик қила бошлайди. «Шартнома қатнашчилари рус тилини ССР Иттифоқининг расмий тили деб тан оладилар», деб ёзилмаслиги керак эди. Расмий тил давлат тилидан бошқа нарса эмас. Бу ерда «расмий» сўзи «воситачи» сўзи билан алмаштирилиши керак. Шундагина жумҳуриятимизда не-не машаққатлар билан ўзбек тили — давлат тили деб қабул қилинган Қонун амал қилади. Агар рус тили расмий тил сифатида қабул қилинадиган бўлса, ўзбек тили ҳақида қабул қилинган Қонуннинг оёқ ости қилинишига кенг йўл очилади.

Шартнома лойиҳасида мустақилликнинг асосларидан бирини ташкил этувчи мулкчиликка бўлган муносабат аниқ, равшан эмас. Синчиклаб ўқиган киши бу ерда ҳам сувнинг нишаби Марказ томонга йўналтирилганлигини, яъни Марказ фойдаси кўзда тутилганлигини пайқаб олади. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов «Ди Цайт» немис ҳафтаномаси саволларига жавобида Н. Назарбоев билан ўзининг таклифи инобатга олинмаганлигини таъкидлаб ўтганда юз бора ҳақ эди. Нималарни Иттифоқ мулкига, қайсиларни республика мулкига киритишни очиқ-ойдин аниқлаб олиш керак. Шартномада «Иттифоқ қарамоғига кирувчи масалалар (қандай масалалар?) юзасидан қонунлар қабул қилиш», «Республикалар билан келишилган (?) бошқа жамғармаларни вужудга келтириш», айрим (?) ваколатларни амалга оширишни Иттифоққа қўшимча равишда топшириш», «ССР Иттифоқининг қонунлари унинг қарамоғидаги масалалар (?) бўйича устунликка (!) эга бўлади ҳамда барча республикалар ҳудудида ижро этиш учун мажбурийдир» каби ноаниқ томонлари шунчалик кўпки, у кучга кирадиган бўлса, ана шу ноаниқликлар суверен жумҳуриятларни исканжага олади-ю, оғизда, қоғозда «суверен» сўзи қолади, амалда қўл-оёқ исканжада бўлади.

Ўзбекистон ССЖ қачонки маъмурий ҳудудлар бўлиниши, миллий давлат масалаларини ўзи мустақил равишда ҳал қила олиш ҳуқуқига эга бўлса, шундагина у тўла сиёсий мустақилликка эришади. Сиёсий ва иқтисодий мустақилликнинг моддий асосини таъминловчи ер ости ва усти табиий бойликлари, иқтисодий ва илмий имкониятлар, барча меҳнат маҳсуллари жумҳуриятимиз тасарруфида бўлиши керак. Ўзбекистон Иттифоқ таркибидаги тенг ҳуқуқли мустақил давлат деб аталадиган бўлса, у ҳолда чет мамлакатлар билан бевосита иқтисодий алоқалар боғлаш имкониятига эга бўлиши талаб қилинади.

Лекин тўғри гап шуки, марказ отдан тушган бўлса ҳам эгардан тушгиси келмаяпти, жумҳуриятларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг оёқ-қўлига солинган тушовни бўшатишни истамаяпти.

ЭСКИЧА қарашларнинг, эскича иш юритишларнинг кучи ўз таъсирини йўқотган эмас, ўз ҳукмини ўтказиб турибди, марказ тизгинини бўшатгиси йўқ. Бу ерда шуни айтиш кераккн, ҳаддан зиёд марказлаштиришнинг салбий оқибатлари бирданига намоён бўлган эмас. Дастлаб ривожланишдан орқада қолаётган ҳудудларга ёрдам бериш сиёсати амалга оширилиб, жойларда замонавий ижтимоий-иқтисодий тузилмалар ташкил қилиш, маҳаллий кадрлар тайёрлашга, умумий таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларга эътибор қаратилди. Натижада ҳамма соҳаларда юксалиш кўзга ташланди. Ўзбекистон ССЖнинг урушдан олдинги йиллардаги халқ хўжалиги ривожланиши — бунга мисол бўла олади. Жумҳуриятнинг иқтисодий харитасида янги тармоқлар, агросаноат комплексларининг, электроэнергетиканинг кўплаб объектлари пайдо бўлди.

Аммо айни ўшанда кўз илғар-илғамас бўлса-да, мана бундай қусурлар вужудга кела бошлаган: ҳунармандчилик меҳнатининг кўп асрлик анъаналари назарписанд қилинмайдиган бўлиб қолди. Деҳқончиликда ихтисослаштиришга ҳаддан ташқари катта ўрин берилди. Марказ буйруқбозлик йўли билан жойлардаги реал имкониятларни, кишиларнинг касб маҳорати кўникмаларини, меҳнатни ташкил этиш ва тақсимлашнинг мавжуд шаклларини кўпинча эътиборга олмаган ҳолда корхоналар ва ҳатто бутун бошли тармоқларни вужудга келтирди. Бу сиёсат яъни, маъмурий йўл билан вужудга келтирилган идоралар зўравонлиги ва улар манфаатларининг якка ҳукмронлиги структуравий айнишларга ва бутун-бутун минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида салбий оқибатларга олиб келди. Чунончи, Ўрта Осиёда пахта яккаҳокимлиги кенг илдиз отиши натижасида бошқа ҳаётий муҳим тармоқларни ривожлантириш иккинчи ва ҳатто учинчи ўринга суриб қўйилди. Шундай қилиб, Ўрта Осиё жумҳуриятлари Иттифоқнинг хом ашё базасига айланиб қолди. Ўзбекистон ўзи учун жуда қимматга тушган бўлса ҳам Ўрта Осиё жумҳуриятлари билан бирга СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлади. Пахта етиштиришдан ташқари унинг зиммасига пахта модификациясидаги барча қишлоқ хўжалик машиналарини, шунингдек пахтани қайта ишлайдиган ускуналарни ишлаб чиқариш юкланди.

Шу боис, пахта яккаҳокимлиги ҳақида гапирар эканмиз, вужудга келган минтақавий ихтисослашишдан воз кечишни эмас, балки бутун пахтачилик ташкилий-иқтисодий системасини тубдан қайта қуришни назарда тутиш лозим. Пахта яккаҳокимлиги иллатларини тан олиш билан иш битмайди. Ҳозирги вазият амалий ишга ўтишни талаб қиляпти. Аграр сектордаги тармоқ структурасини боғ, узумзор ва полизларни кўпайтириш томон буриш борасида олимларнинг тавсиялари назардан четда қолмаслиги керак.

Кейинги ўн йил ичида жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 45 миллиард сўм маблағ сарфланганига, ишлаб чиқариш фондлари билан таъминлаш даражаси 2 бараварга оширилганига қарамай самарадорлик ниҳоятда паст бўлди. Деҳқоннинг ўз эрки ўз қўлида бўлмагани учун экин структурасида пахта асосий ўринни эгаллаб келди. Натижа нима бўлди? Табиий иқлим шароитларига кўра хилма-хил деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш имконига эга бўлган Ўзбекистонда халқнинг мевага бўлган эҳтиёжи қондирилмасдан қолмоқда. Уруғли мевага бўлган эҳтиёжининг 61 фоизи, данакли мевага бўлган эҳтиёжининг 10 фоизи, ёнғоққа бўлган эҳтиёжининг 17 фоизи жумҳуриятимизнинг ўзида етиштирилган ҳосил ҳисобига қондирилмоқда. Бу ерда гўшт, сут, тухум истеъмол қилишнинг ниҳоятда пастлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Энди яна ўз-ўзидан бу аҳволдан қандай чиқиб кетиш мумкин деган савол туғилади. Қишлоқ кишиси пахтакор ёки ғаллакор, боғбон ёки соҳибкор, сабзавоткор ёки полизчи бўлишини танлаётганда унга сунъий равишда вужудга келтириладиган шароитларни эмас, балки тенг иқтисодий имкониятларни яратиб бериш керак, тармоқни қисиб, чегаралаб қўйишдан қочиш пайти ҳам келди.

Мамлакат ягона халқ хўжалик комплекси, иқтисодиётни тармоқ ва ҳудудий принциплар асосида бошқариш нисбати каби тушунчалар қотиб қолган эмас. Агар масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, мулкчилик муносабатларини қайта қуриш, жойларда чинакам демократик ва тўла ҳокимиятли ўз-ўзини бошқариш органларининг шаклланаётгани бу тушунчаларни инкор қилаётгани йўқ. Аксинча унга янгича мазмун бағишламоқда, жамиятнинг муҳим эҳтиёжларини қондирадиган ишлаб чиқаришнинг самарали воситасига айланмоқда. Ҳаётимиздан ўрин олиб бораётган янгича ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзи истаймизми, истамаймизми ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий мустақилликни талаб қиляпти.

ХЎЖАЛИК ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш нима учун жорий қилиняпти? Хўжаликни мустақил бошқариш биқиб ётган имкониятларни юзага чиқариш, шу йўл билан юксак самарадорликка эришиш, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш учун эмасми? Бундан мақсад иқтисодиётимизни соғломлаштириш, халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш. Масалага шу томондан ёндашадиган бўлсак, жумҳуриятимиз ҳудудидаги саноат комплекслари нимага қодир, деган савол туғилади.

Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизда бешта асосий саноат комплекси, яъни ёнилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик, химия-ўрмон, агросаноат комплекслари мавжуд бўлиб, уларнинг тўрттаси, яъни агросаноат комплексидан бошқаси марказдан туриб бош-

Материалларимиз акс-садоси

НОРАСИДАЛАР ҲАҚИДАН ҚЎРҚМАЙСИЗМИ?

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИДАН РЕПОРТАЖ

Ҳайъат мажлисига йиғилганлар олтинчи масаланинг тезроқ муҳокама қилинишини орзиқиб кутишарди. Негаки, бу масала аввалдан маълум, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг «Тошкент шаҳридаги мактабгача болалар муассасалари фаолиятида жиддий нуқсонлар» ҳақидаги кўрсатма хати бўйича текшириш ўтказилган, айни ана шу нуқсон ва камчиликлар очиб ташланган эди. Бунинг устига худди шу борадаги мақола «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 5 март сонида «Бола азиз...» сарлавҳаси остида чоп этилган, вазирлик, рўзнома муҳарририятига кўплаб хат-хабарлар келмоқда эди.

Аввало, ҳайъатда бу масала ғоят силлиқлик билан, ими-жимида ёки номигагина ўтказиш, муҳокама қилишга уриниш аниқ сезилиб турди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Ҳ. Йўлдошев гарчи бу соҳада камчилик ва нуқсонлар кўп бўлса-да, бу муаммолар бир неча йилдан буён тўпланиб қолганлигини, уни бартараф этиш ғоят қийинчилик билан кечаётганлигини, қолаверса, бундан буёнги фаолиятини мана шу масаланинг тўла ҳал бўлишига қаратиши лозимлигини тан олди.

Ҳайъатда сўз олган айрим раҳбар ходимлар Тошкент шаҳрида, қолаверса жумҳуриятимиз ҳудудида болалар муассасаларидаги фаолиятга жиддий эътибор билан қараш зарурлигига тўхталдилар.

Шундай қилиб, масала оппа-осон тугаши мумкин эди. Афсуски, бир-биридан қалтис саволлар туша бошлади ва ниҳоят, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳайъати бу масалани муҳокама қилишда яна енгил-елпи ёндашилганлиги, айрим район халқ таълими бўлими мудирлари, болалар боғчалари мудираларининг бир неча бор сўнгги огоҳлантиришларига қарамай яна қаттиқ ҳайфсан билан чекланаётганлиги ошкора, рўй-рост айтиб ўтилди.

Шу пайт ҳайъат мажлисининг орқа ўриндиқларидан бирида ўтирган аёл қўл кўтариб, сўзлаш нияти борлигини билдирди.

— Сиз ҳайъат мажлисига таклиф этилганмисиз?

— Йўқ. — дадил жавоб берди у. — Мен мақолада тилга олинган 394-болалар боғчаси мудираси Гулнора Қўчқорова бўламан. Рухсат этсангиз бир оғиз сўзласам.

Рози бўлинди. Мудира бироз ҳаяжонланди, сўнг ўзини босиб, дона-дона қилиб сўз бошлади.

— Мен бир йилу етти ойдан буён боғча мудирасиман. Бу соҳада ўн олти йилдан бери ишлаб келяпман. Ҳайъатда ҳуқуқий жавобгарлик ҳақида гап кетяпти, виждон жавобгарлиги борми? Бу масалани нафақат жумҳуриятимизда, Иттифоқ бўйича кўтариш пайти келди, деб ўйлайман.

Тўғри, боғчамизга раҳбарлар келганида юзакиликка йўл қўйганмиз. Ўртоқ Т. Акромованинг ўзи ўша куни менга ҳар бир гуруҳга 21 нафардан ортиқ бола олмайсан, деб буйруқ берган.

Ўғирлик бизнинг боғчамизда ҳам бор. Бундай ўғирлик билан нафақат биз, балки юқори ташкилотлардаги ўртоқларимиз ҳам шуғулланади. Агар билишни хоҳласангизлар ҳаммани ҳам боғча мудирлигига қабул қилишавермайди. Мен ҳам ўз ўрнимни пулга сотиб олганман. Буни қаерда бўлса ҳам айтишдан тоймайман.

Гулноранинг маърузаси ҳаммани ўйлатиб қўйди. Ҳатто айрим иштирокчилар довдираб ҳам қолишди. Шундан сўнг ҳайъат қарори лойиҳасига ўзгартиришлар киритишга мажбур бўлинди.

Жумҳурият Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси тайёрлаган ҳужжатдан:

...Акмал Икромов ноҳияси мактабгача муассасалар ходимлари орасида ўтказилган махфий сўров натижаларига кўра, «Сиз қандай қилиб мудирлик лавозимига кўтарилдингиз?» саволига мудирларнинг 13,5 фоизи таниш-билиш орқали, 19 фоизи совға-салом туфайли ёки юқоридан қўнғироқ туфайли мудир бўлганлигини таъкидлаганлар. Савол-жавоб қатнашчиларининг 16,9 фоизи санитария-гигиена, ёнғиндан сақлаш бўлимлари инспекторларига, 67,8 фоизи ноҳия халқ таълими бўлимига, 57,6 фоизи шаҳар халқ таълими бош бошқармасига ва 25,4 фоизи жумҳурият Халқ таълими вазирлигининг мактабгача муассасалар бошқармаси ходимларига доимий пора ва совға-салом улашишларини билдирганлар.

Савол-жавоб натижаларига кўра, мудираларнинг 69,5 фоизи жамғарма бўйича олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель, жиҳозлар, ёзув-чизув моллари, ўйинчоқларнинг учдан бирини таъминот ташкилотларида қолдириб кетишга мажбур эканлиги маълум бўлди. Бундай ҳолда болалар муассасаларининг моддий базаси оқсамай нима оқсасин?!

Болалар боғчалари ва ясалиларини тўлдириш борасида жиддий нуқсонлар кўп. Тошкент шаҳар ижроия комитети халқ таълими бош бошқармаси, халқ таълими район бўлимлари мактабгача муассасаларни тўлдириш масалалари билан етарли шуғулланишмаётир. Тошкент шаҳридаги болалар муассасаларининг қуввати 133,9 минг нафарга мўлжалланган бўлса-да, уларда 166,1 минг нафар кичкинтой тарбия олаётир.

Ўзингиз ўйлаб кўринг! Бу нимаси? Болаларни кўпроқ қамраб олиш билан режани эртароқ бажаришга уринишми? Бу билан фалон фоиз фарзандларимизни мактабгача муассасаларга тортдик дея, кўкракка уришми?

Бу ҳар юз ўринга 124 нафар кичкинтой тўғри келади, деган гап. Тошкентдек азим шаҳарда юз мингга яқин фарзандларимиз болалар боғчалари остонасини кўрганларича йўқ! Ўн беш мингдан ортиқ ота-она фарзандларини боғча ва ясалиларга жойлай олмай навбатда сарсон бўлаётгани-чи? Бу ҳақда ким ўйлайди! Болаларнинг тарбияси, ўзгача олами, интилиши, изланиши билан ким қизиқади? Биз ўз фарзандларимизнинг тақдирини кимларга ишониб топширяпмиз. Ҳақиқий тарбия беришга ошиқаётган мудира, тарбиячи қўлигами ёки дарвозадан ўтишингиз биланоқ қўлингизга назар ташлаётган, қолаверса, ҳар бир кунини ширин-шакар фарзандлар ризқини «туя» қилишни ва бу билан ўз орзу-ҳавасини ўйлаётган кимсалар қўлигами? Виждони ўргимчак уяси сингари чирмаб ташланган ва жиғилдонга айланган бундайлардан ким ҳам тарбия оларди? Нималарни ўргана оларди? Эртанги кунини қандай тасаввур этади?

Болалар боғчаларидаги бундай ҳолат уларнинг жисмоний ва ақлан бақувват бўлишларига ҳам салбий таъсир кўрсатаётир. Биз шу кунларда фарзандларимизнинг нимжон эканлиги, қолаверса, йигитлик бурчини ўташда турли қийинчиликларга дучор бўлаётганлиги ҳақида кўп гапиряпмиз. Афсуски, фарзандларимизни болалик чоғлариданоқ меҳр-муҳаббат билан тарбиялаш, улар учун жамики зарур нарсаларни муҳайё этиш хусусида бонг урмаяпмиз. Биз бу муаммони йўлга қўймас, тобора авж олаётган хасталикнинг олдини олмас эканмиз, мушкулимиз ўз-ўзидан осон бўлавермайди.

Бу одатий ҳол болаларни турли хасталикка гирифтор этмоқда, айрим ўринларда фожиали ҳолатлар рўй бермоқда. Ўтган йилнинг ўзида уч мингдан зиёд боланинг сариқ, 145 мингдан зиёди эса грипп билан хасталанганлигининг ўзи ташвишланарли эмасми? Ўз фарзандларини болалар боғчаларига таниш-билиш, қўнғироқ орқали, енгил-елпи йўл билан навбатсиз жойлаётганлар-чи? Уларга раҳнамолик қилаётганлар-чи? Айрим ҳужжатларни сохталаштириб, тартиб рақамларини ўзгартириб, ўз кўйига солаётганлар хусусида нима дея оласиз? Ҳа, Ҳамза, Октябрь, Чилонзор, Собир Раҳимов, Акмал Икромов районларидаги норасидалар ҳақидан ҳайиқмайдиган раҳбар, мудир ва тарбиячилар ўзларини ҳамон «улуғ ишнинг фидойилари» сафида кўрсатишга уринмоқдалар.

Мен мақолага нуқта қўймоқчи эдим. Афсуски Халқ таълими вазирлиги ҳайъатидаги йиғилишнинг бу масала юзасидан лойиҳа қарори ҳам енгил-елпи тайёрланибди. Ҳатто бу масаланинг ўқ илдизи ҳисобланган Акмал Икромов районидаги 394-болалар боғчаси ва унинг мудираси Гулнора Қўчқорова хусусида ломмим дейилмабди. Яхшиямки, бу нуқсонни унинг ўзи очиб ташлади ва ҳали сир сақланаётган қатор масалаларни фош этди. Бу билан у ўзи йўл қўйган жирканч ишларга виждони олдида жавобгарлигини ҳис этди ва англаб олди! Афсуски, унга нисбатан турли таъқиблар сира тинмаяпти.

Зора, норасидалар ҳақини «туя» қилишга ўрганиб қолганлар ҳам буни тезроқ англаб етишса!

М. ПИРМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Пайариқ районидаги Пиримқул Нурмонов номли жамоа хўжалигининг илғор механизатори Шуҳрат Бўриев бу йил ўз агрегатини барвақт таъмирлаб қўйганди. Айни кунларда у кунига 5—6 гектар майдонга чигит қадамоқда. У ўтган йили мавсумда ўз агрегати билан 247 тонна пахта териб берганди. У бу муваффақияти учун «Москвич» енгил автомашинаси билан мукофотланди. У ҳозир ҳам хўжаликдаги барча ишларда намуна кўрсатмоқда.

СУРАТДА: моҳир механизатор Шуҳрат Бўриев.
Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

Қўзилатиш — масъулиятли палла

ЧЎПОН МАШИНА ОЛМОҚЧИ

Бу йил Қамбар аканинг кўнгли тинч. Аммо бу тинчликни ўта осойишталикка, боқибеғамликка йўймаслик керак. Ҳар қалай қўйлар қўзилай бошлагандан буён на ўзи, на хотини Мусаллам, на ўғли Мамаражаб тиним билади. Айниқса, биринчи бор қўзилаётган тўқлиларнинг феъли ёмон бўларкан. Ўз қўзисининг ҳидини йўқотиб қўяди. Ана шунда кўраверинг чўпоннинг аҳволини. На тунда, на кунда уйқу бор. Баъзан ўғли, «Қаердан ҳам олдингиз шу тўқлиларни» деб пичинг отган бўлади. Қамбар ака индамайди: «От ўрнини той босар». Бир-икки йилдан сўнг 539 та тўқлининг ҳаммаси дуркун қўйга айланади.

Қўзилатишнинг ҳам охири кўриниб қолди. Шу пайтгача отарнинг 90 фоизи қўзилади. Ҳозирча натижа чакки эмас. Ҳар юзидан 110 тадан қўзи. Бултур 107 тадан эди. Ўстиришга 380 та қўзи қолдирди. Буям салкам бир отар қўй бўлади.

Хуллас, Қамбар Бозоровнинг кўнгли тинч. Негаки, ижара пудратига ўтгач, меҳнатнинг салмоғини чамалаш осон кечмоқда. Ўтган йили оиласи билан 10 минг сўм даромад қилди, мукофотга 22 та қўзи олди. «Урал» мотоцикли билан тақдирланди.

— Бу йил «Нива» машинаси олмоқчиман, — дейди Қамбар ака. — Чунки бизнинг Қўшработ районида, айниқса, Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхоз шароитида бу машина жуда асқотади. Чўпон ҳам машина минадиган вақт келди-да, ахир.

Дарҳақиқат, Қудуқчи қишлоқ аҳли қатори биз ҳам Қамбар акага «Ниятингиз орзуингизга эш бўлсин», деймиз.

Б. ЭСИРГАПОВ.

ЯНГИЛИКЛАР

ТЕРМИЗ — МИНЕРАЛЬНЫЕ ВОДИ АВИАКЎПРИГИ

Ёзги таътиллар мавсуми арафасида «Термиз — Ашхобод— Минеральные Води» маршрути бўйлаб самолётлар мунтазам қатнай бошлади. Энди Ўзбекистоннинг энг жанубидаги вилоят маркази аҳолиси шимолий Кавказ курортларига кетаётганда Тошкентда тўхтаб бошқа самолётга ўтиришига тўғри келмайди.

Янги маршрут Туркманистон пойтахтига бориши керак бўлганлар учун ҳам қулай. Термиздаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг Ашхободга саёҳатга кетаётган гуруҳи шу имкониятдан фойдаланди. Ишлаб чиқариш илғорлари учун бу беш кунлик сафар касаба уюшмаси маблағи ҳисобига уюштирилди.

Янги маршрутларда гражданавиацияси Минеральные Води ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ТУ-134 авиалайнерларининг экипажлари учмоқда.

ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНДИ

Самарқанд чинни заводи ётоқхонаси ва болалар боғчаси ходимларининг маоши оширилди. Бу нарх-наво ошиши муносабати билан тўланадиган компенсация сифатида корхона маблағлари ҳисобидан қилинди.

Корхонанинг ўз ходимларига эса тушликлар нархининг бир қисми учун компенсация берилмоқда. Шу мақсадлар учун даромаддан ярим миллион сўм пул ажратилди. Корхонанинг ёрдамчи хўжалиги завод ошхоналарини ва болалар боғчасини таъминлашни анча енгиллаштиришда ёрдам беради. Ёрдамчи хўжаликда 250 бош чўчқа боқилмоқда. Тўғри, у ҳозирча даромад келтирмаяпти. Ем-хашак ўзларидан чиқса ёрдамчи хўжаликни фойда келтирадиган қилиш осонроқ бўлади.

(ЎзТАГ).

ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Мактабгача тарбия муассасаларида овқат рациони белгиланган нормада бўлишини доимий таъминлаш ишига ким жавобгар? Очиғини айтганда, айрим болалар боғчалари тарбияланувчилари кўп вақт уйларига оч қайтиши ҳолларига ҳам дуч келиш мумкин.

«Бола азиз» мақоласи муаллифи И. Турсунов болаларга ажойиб миллий урф-одатларимизни, барча қадриятларимизни сингдириб боришимиз лозимлигини уқтиради. Дарҳақиқат, салом бериш, ўзини кўпчилик орасида тута билиш, катталарни ҳурмат қилишга боланинг кундалик ҳаётида ўргатиб бориш лозим. Уларни миллий нақшлар, безаклар, буюмлар, кийиқ, дўппи, кашта, сўзана, сопол ва лой буюмлари безаклари билан таништириб бориш, шунингдек, болаларни ўзаро ва жамоада муомала маданиятига ўргатиб бориш ҳам четда қолмаслиги керак. Болаларга халқ оғзаки ижодининг барча жанрларини, доно халқимизнинг «билим қомуси бўлган» онанинг ички ҳиссиётини ўзида ифодалаган алласини, халқ қўшиқлари, мақол, маталларни ёшликдан сингдириб боришни яхшилаш лозим.

М. ҲОШИМОВА,
Қўқон давлат педагогика институтининг проректори.

* * *

Болаларни ҳар томонлама тарбиялаш учун фақат тажрибанинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун турли қўлланмалар зарурдир. Бироқ ўзбек тилида қўлланмалар жуда кам. Илмий-тадқиқот институтида ишловчи ходимлар эса бу тўғрида ўйлашни ҳам хоҳламайдилар. Биз Қўқон шаҳрида тарбиячиларнинг методик адабиётлар озлигидан қийналганлигини кўриб 1988 йили фаол методист ва тарбиячилардан иборат ижодий гуруҳ туздик. Бу ижодий гуруҳ билан биргаликда мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари учун «Болалар боғчасида нутқ ўстириш», «Тасвирий фаолият», «Болаларни табиат билан таништириш», «Илк ёшли болалар гуруҳи учун қўлланма»ларни ишлаб чиқиб, нашрдан чиқартириб, тарбиячиларга тарқатилди. Ҳозирги вақтга келиб шу қўлланмалар асосида иш олиб бормоқдамиз. Бошқа вилоят ва ноҳиялардаги мудира, методист-инспекторларни бизга ўхшаб ижодий гуруҳ тузиш ва керакли методик қўлланмалар яратишга чақирамиз.

Н. ВАЛИЕВА,
Қўқон шаҳар болалар боғчалари ходимларидан 21 нафари мактубга имзо чекишган.

* * *

Мақола кўплаб халқ маорифи ходимларини, раҳбарларнинг қурилиш бўйича муовинлари ва боғча мудираларининг кўзларини катта-катта очиб қўйса ажаб эмас.

А. РАҲИМОВ,
Қарши район, «Аврора» маданият уйининг директори.

* * *

Ҳақиқат борлигига имоним комил. Мен 394-боғча ҳақидаги рўзномада ёзилган мақолани тўғри баҳолайман.

Қ. ОДИЛОВ,
меҳнат фахрийси.

* * *

«Ором» дастаси ҳақида икки оғиз сўз. Қатнашчиларнинг қимматбаҳо уст-бошлари ва бошқа харажатлари боғча тарбияланувчиларининг озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель ва бошқа жиҳозлари, қўйингчи, ризқ-насибалари ҳисобидан экан, бундан ўша боғча болаларига фойдами ёки зарар?! Масалага ана шу нуқтаи назардан қараш керак. Болалар муассасаларидаги музика ўқитувчиларининг вазифаси боғчадаги ҳар бир гўдакни эстетик жиҳатдан тарбиялашдир. Ҳар бир болакай шеърни чиройли ўқишга интилсин, ашула айтишга иштиёқ сезсин, ўғил боламми, қизчами рақс санъатидан озми-кўпми хабардор бўлсин...

Н. МАТИЦИНА,
меҳнат фахрийси.

ТЕЖАБ ҚОЛИНГАН МАТЕРИАЛЛАР

Оҳангарондаги «Сантехлит» заводининг жамоаси шанбалик куни республика қурилишлари учун ўнлаб танқис ванналар ишлаб чиқаради. Бунинг устига маҳсулотнинг кўпчилик қисми тежаб қолинган материаллардан, тежалган электр энергияси билан тайёрланади.

Республикадаги бу энг катта заводлардан бири ҳозир оғир кунларни бошидан кечирмоқда Жамоа хом ашё ва материаллар етарлича миқдорда етказиб берилмаётганлиги туфайли қийин аҳволга тушиб қолган. Бунинг устига малакали ходимлар ҳам жуда етишмай турибди. Лекин шунга қарамай, бу ерда яхши анъанани давом эттириб, 20 апрель куни ниҳоятда юксак самара билан ишлашни ният қилишган.

(ЎзТАГ).

МУСТАҚИЛЛИК КЕРАК?

қарилади. Улар Иттифоқдаги 18 та министрликка тўғридан-тўғри бўйсунади. Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг маълумотларига мурожаат қиладиган бўлсак, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 38 фоизи Иттифоқ ихтиёридаги корхона ва бирлашмалар томонидан, 54 фоизи Иттифоқ-жумҳурият министрликлари ва идоралари томонидан, қолган 8 фоизи жумҳуриятимизнинг маҳаллий саноати томонидан ишлаб чиқарилганлигини кўрамиз.

Бу рақамлар марказлаштириш ҳаддан ташқари кучли эканлигини кўрсатиб турибди. Янгича иқтисодий муносабатлар, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг кучайиб бориши ушбу марказлашувни емириб бормоқда. Энди кўпроқ марказий министрликлар ва идоралар билан ҳуқуқий ва расмиятчилик муносабатларинигина эмас, балки ўзаро манфаатдорликка асосланган иқтисодий ўзаро муносабатлар бутун системаси ва механизми белгилаб олинмоқда. Яқин ва узоқ истиқболга мўлжаллаб саноат барча тармоқларини ривожлантиришнинг илмий асосланган бош йўналишлари ишлаб чиқилмоқда. Сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришилган тақдирдагина ва ўз мулкимизнинг ҳақиқий эгаси бўлганимиздагина иқтисодиётимизни соғломлаштириш учун ана шу йўналишлар бўйича олиб борилаётган ишларимиз самарали бўлади. Агар сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришилмаса нонимиз аввалгидек яримта бўлиб қолаверади.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда жумҳурият чиндан иқтисодий мустақилликка эришиши учун социал-иқтисодий ва маданий-этник шарт-шароит шаклланганидан далолат беради. Лекин, шуни айтиш лозимки, кўп миллатли мамлакатимизда бундай мустақилликнинг қандайдир ягона модели бўлиши мумкин эмас.

Марказ билан жумҳуриятлар ўртасида шаклланган иқтисодий муносабатларнинг кўп йиллик тажрибаси қайтадан тақсимлаш муносабатлари, марказнинг васийлиги, ҳар бир жумҳуриятнинг ривожланишини бир хил шаклга келтиришга интилиш салбий оқибатларга олиб келишидан ташқари, у ёки бу минтақанинг барча ресурс имкониятларидан фойдаланишга асосланган мусобақалашиш йўлига ғов солишидан далолат бермоқда.

Кўп йиллик тажрибанинг ўзи минтақалараро ихтисослашиш ва интеграция натижасида бирорта жумҳурият, бирорта регион фақат ўз кучларига ишонган ҳолда тўлақонли ривожлана олмаслигидан далолат беради — уларнинг ижтимоий-иқтисодий структуралари ҳаддан ташқари ўзаро боғланган. Шуни айтиш керакки, иттифоқдош жумҳуриятларнинг товар айирбошлашига ялпи ижтимоий маҳсулотнинг қарийб чорак қисми жалб этилган. Чунончи, Ўзбекистонга 1988 йилда 12,32 миллиард сўмлик маҳсулот олиб келинди, шундан 10,62 миллиарди жумҳуриятлараро айирбошлаш ва 1,7 миллиарди импорт ҳиссасига тўғри келди, олиб кетиш эса миллиард сўмлик бўлди. Бунда республика ишлаб чиқаришида четга мол чиқаришнинг салмоғи 18 фоизни, жумҳурият истеъмолида четдан олиб келишнинг салмоғи эса 24 фоизни ташкил этдики, бу ҳол ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг интенсивлиги нисбатан юқори эканлигидан далолат беради.

ЯГОНА халқ хўжалик комплекси шарт-шароитида мол олиб келиш ва олиб кетиш бевосита ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашга, жумҳурият ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга боғлиқ бўлади. Улар ўз навбатида минерал-хом ашё, табиий иқлим шароитлари, демографик шарт-шароит, миллий анъаналар ва капитал сарф-харажатлар билан боғланган. Ана шу омилларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш, шунингдек СССР ички нархларининг такомиллашмаганлиги натижасида 1988 йили Ўзбекистонга мол олиб келиш олиб кетишга қараганда 1,9 миллиард сўмлик ошиқ бўлди.

Агар мол олиб келиш ва олиб кетиш структурасини олиб қарайдиган бўлсак, жумҳуриятлараро айирбошлаш системасида мол олиб келишда «А» гуруҳидаги саноат ғоят катта салмоққа эгалигини айтиб ўтиш зарур. Бу қонуний ҳол. Зеро жумҳуриятда айни шу тармоқ Иттифоқ даражасида энг кўп даражада интеграциялашган. Унинг нормал ишлаши учун жумҳуриятга зарур ҳажмларда қора металл рудаси ва қора металлар учун норуда хом ашёси, коксохимия маҳсулотлари, оловбардош материаллар, иссиқ сланец ва баъзи бошқа материаллар олиб келинади. Шу билан бирга, рангли металлургия ривожланишининг етарлича юксак даражадалигини ҳисобга олиб, 1988 йилда жумҳуриятлараро айирбошлаш тартибида жумҳуриятдан ана шу тармоқ маҳсулоти олиб келинганига қараганда 103,8 миллион сўмлик кўпроқ олиб кетилди, енгил саноатда мол олиб кетишнинг олиб келишдан зиёдлиги 1785,8 миллион сўмни ташкил этди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мол олиб кетишнинг мусбат сальдоси (қолдиғи) қарийб 470 миллион сўмлик бўлди.

Биз бу ерда экспорт-импорт муносабатларини қараб чиққанимиз йўқ. Афсуски, жумҳурият четга ўз молларини чиқаришига қараганда кўпроқ олиб келади (гарчи бевосита бўлмаса-да). Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистон халқ хўжалиги, дарвоқе, қолган иттифоқдош жумҳуриятлар халқ хўжалиги ҳам, шаклланган Иттифоқ бозорига ғоятда қарамдирлар.

Бу чинакам иқтисодий мустақилликка эришиб борган сайин Ўзбекистон энг яқин истиқболдаёқ ўз ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам қўшма корхоналар барпо этишга қадар бошқа мамлакатлар билан бевосита иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга қодир бўлмайди, деган маънони келтириб чиқармайди. Бунинг учун халқ хўжалигини реконструкциялашга кетадиган моддий-молиявий чиқимларни кўпайтириш, саноат ва қишлоқ хўжалигида структуравий ўзгаришларни амалга ошириш ва шу негизда маҳсулот сифатини жиддий ошириш, унинг жаҳон бозоридаги рақобатга чидамлилигини таъминлаш керак бўлади.

Бироқ бошқа нарса ҳам тамомила равшандир. Совет федерацияси доирасида қолган, мамлакатда амалга оширилаётган бошқариладиган бозор муносабатлари афзалликларидан, шунингдек ўзининг ижтимоий-иқтисодий потенциалидан тўлақонли фойдаланган ҳолда жумҳурият аввало барча (ҳатто энг мўъжаз) хўжалик объектларини, асосий ишлаб чиқариш фондлари, табиий, меҳнат ва бошқа ресурсларни тўла инвентаризациялаши мумкин ва керак. Бу эса унга барча иқтисодий структураларни баланслаштириш ва шу асосда ўзининг федерация ичидаги, тармоқлар ўртасидаги алоқаларини оптималлаштириш, уларни чиндан ўзаро фойдали қилиш имконини беради.

Шу муносабат билан бир қатор тармоқларни технологик ишлов беришнинг тўла циклидан ўтган тайёр буюмлар ишлаб чиқаришга қайтадан йўллаш зарур. Яқин йиллар ичидаёқ пахтанинг 50 фоизгача қисмини жумҳурият ҳудудининг ўзида тайёр буюмлар тарзида қайта ишлайдиган қувватларни яратиш лозим (ҳозир бундай қайта ишлашнинг салмоғи ўн фоиздан озгина ошади). Бу ҳол миллий даромадни анчагина ошириш имконини беради.

ИСТИҚБОЛДА саноатни ривожлантиришда илм-фан ишланмаларини талаб қилувчи, юксак технологик ишлаб чиқаришларни қарор топтиришга эътиборни кучайтириш зарур. Бунинг учун меҳнатни ташкил этишнинг энг прогрессив шаклларидан кенг фойдаланиш, янги кооператив алоқаларни йўлга солиш ва мавжудларини такомиллаштириш, жумҳуриятлараро қўшма корхона ҳамда бирлашмаларни бунёд этиш керак. Деярли унутилаёзган ганч ўймакорлиги, ўйма нақш, гиламдўзлик, Шарқ ёдгорлик ва заргарлик буюмлари ҳамда бошқа миллий ҳунарларни тиклашга ҳар томонлама ёрдам бериш керак. Бундай маҳсулот ташқи бозорда рақобатга чидамли бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг олтин қазиб олиш саноатини ривожлантиришни назарда тутиб, биринчи навбатда қимматбаҳо металл қазиб олинадиган жойнинг ўзида хом ашё қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтириш масаласини ҳал қилиш зарур. Кейинчалик эса жумҳуриятимиз марказдаги воситаларсиз мустақил равишда олтинни ички бозорга, ҳатток халқаро бозорга жаҳон бозори нархи асосида чиқариб сотиши мумкин.

Демографик кескинликни нормаллаштириш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини ишга энг кўп даражада жалб этиш мақсадида куч-ҳаракатни қишлоқ районларида якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиришга, оилавий ва ижара муносабатларини кенгайтиришга йўналтириш лозим. Жуда қисқа муддат ичида маҳаллий ҳунармандчиликни, шунингдек, маҳаллий саноатни қайта тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиб бериш зарур. Бунда ҳунармандларга солиқ солишда биринчи навбатда имтиёзлар бериш катта аҳамиятга эгадир. Қишлоқларда мамлакатимиз бўйича узумнинг тенги йўқ ҳўраки навларини, Хоразм қовунларини, Ўзган гуручини етиштирувчи деҳқонлар, шарқ ширинликлари ва қуруқ меваларини тайёрловчи усталар авлодлари яшаб келишмоқда. Бу маҳсулотлар ҳам жаҳон бозорида рақобатга чидамли бўлиши мумкин.

Иқтисодий мустақиллик шароитида барча ижтимоий-иқтисодий қурилмаларнинг самарали ишлаши етарли миқдорда меҳнат ресурслари бўлишидан ташқари юқори малакали, ишбилармон бошқарув аппаратига ҳам боғлиқ. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, барча даражадаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ҳозирги мавжуд системасини, ўқитиш усулларини, энг асосийси ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Бу — биринчи навбатда иқтисодчи кадрларни тайёрлашга тааллуқлидир. Марказий бошқарув органларининг идоравий ҳукм-фармойишини чеклаш учун жумҳурият ўзига берилган реал ваколатлар ҳисобига ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари ёрдамида ўз ҳудудида жойлашган барча корхоналар хўжалик фаолиятининг самарадорлиги ва иқтисодий хавфсизлигини қатъиян назорат қилиши ҳамда ўз қонунчилик фаолиятига кирувчи доирада уларни бошқариб бориши керак.

Шундай қилиб, жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллиги аввало ўзининг бутун бойлигини, жамғарилган барча иқтисодий, илмий-техника потенциалини тасарруф қилишга бўлган алоҳида ҳуқуқидир. Бошқача айтганда, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик совет кишилари турмуш даражасининг мутасил ошишини таъминлайди. Жумҳурият мана шу йўлдан дадил бораверади, деб умид қилишимизга тўла ҳақлимиз.

М. МИРСАИДОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

МУШТАРИЙ МАКТУБИ

Қўшимча 55 фоиздан ҳақ

Колоннамиз маъмурияти ва жамоат ташкилотлари вазиятни ҳисобга олиб, жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўряпти. Қурувчи ва инженер-техник ходимларимизнинг ҳар бирига апрель ойидан бошлаб тўланаётган 60 сўм тўловга қўшимча яна 55 фоиз ҳақ белгиланди. Бу — ҳар бир киши энди 93 сўмдан тўлов пули олади демак. Ҳисоб-китобга қараганда, 164 кишига 15 минг сўм маблағ сарфланаркан, холос.

Яна бир имконият топилди. Ойликка қўшимча бир кишига 100 сўмдан маош ҳам белгиладик. Бунинг учун бир йилда 200 минг сўм сарф қилиниши мумкин. Шу тариқа жамоадаги ҳар бир кишининг ўртача маоши 500 сўмдангa тўғри келмоқда.

Қўшимча нафақа ва тўловларга қайси ҳисобдан сарф қилинади? Ўз даромадимиз ҳисобидан тўлаяпмиз. Ўтган кварталда режадаги 893 минг ўрнига 1,5 миллион сўмлик иш бажарилди. Даромад ҳам ёмон бўлмади.

Кўчма колоннамиз вилоятнинг барча шаҳар ва районларида ободончилик ишлари ҳам олиб боради. Бу йил жами 4,5 миллион сўмлик ободончилик ишлари бажарилади. Ҳисобларимизга кўра, шунда йиллик даромадимиз 700 минг сўмдан ошиб кетади. Бу, албатта, жамоа аъзоларининг моддий манфаатдорлигини оширишга кафолат беради.

М. БОБОМУРОДОВ,
2-«Узагротрансспецстрой» трестининг Қаршидаги 412-хўжаликлараро махсус механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи.

*

Наманган вилояти эндокринология шифохонасида қанд ва бошқа турдаги касалликлар билан оғриган беморларга намунали тиббий хизмат кўрсатилаётир.

Суратда: бош шифокор Замира Мирсандова ва врач Муаззамхон Мамажонова бемор Ойсара Тўхтаназаровнинг саломатлигини текширмоқдалар.

П. Акбаров сурати.

*

● ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ЯПОН МУТАХАССИСЛАРИ ЖИЗЗАХДА

Япониянинг жаҳонга машҳур «Кокусай—Кокусай—Коеки» ва «Реон» фирмалари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келаётган Жиззахнинг «Сўғдиёна» ишлаб чиқариш фирмаси замонавий япон технологияси билан жиҳозланган янги цехлар очишга муваффақ бўлди.

Ушбу маросимнинг СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Японияда бўлган кезларида амалга оширилиши ўзига хос кўтаринкилик бахш этди. Кунига юзлаб тонна нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга бўлган «НМ» «208М» каби мураккаб аммо бошқариш учун қулай технологияни ишга тушириш жараёнида иккала япон фирмасининг вакиллари иштирок этишди.

Янги цехнинг дастлабки маҳсулотларидан мактаб ўқувчилари ва болалар боғчалари тарбияланувчилари баҳраманд бўлдилар. Яқин келажакда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари вилоят дўконларида сотила бошлайди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СУД МАЖЛИСИ УЗОҚ ДАВОМ ЭТАДИ

МОСКВА, 18 апрель. (ТАСС мухбири). СССР Олий судида сўнгги йиллардаги совет судлови тажрибасида энг катта ишни кўриб чиқиш бошланди. Қора курсида Поп деҳқончилик-саноат бирлашмасининг собиқ директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, бир неча Ленин ордени нишондори Аҳмаджон Одилов ўтирибди.

Аҳмаджон Одилов ва яна айбланаётган тўрт нафар кишининг жиноий иши 130 томдан иборат бўлиб, унда айбланувчиларнинг 70- ва 80-йиллардаги жиноий фаолияти акс этган. Турғунлик даври «қаҳрамони»нинг жуда кўп «жасоратлари»дан ташқари (улар айбноманинг олти томида баён қилиб берилган) Одилов, хусусан ғоят кўп миқдорда, бир миллион сўмдан ортиқ пулни ўғирлашда ҳамда ўғирлашда иштирок этишда ва яна 640 минг сўм пора олишда айбланмоқда.

Жиноий иш юзасидан 92 нафар жабрланган ва 842 нафар гувоҳ сўроқ қилинади. Суд мажлиси бир неча босқичда ўтади ва бир неча ой давом этадиган кўринади.

Бир хат изидан

КАРТОШКА ҲИДИ

Шовот районидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигида чириб кетган 310,9 тонна картошканинг ҳиди ҳатто Тошкентгача етиб келди. Унча-мунча эмас, 182 минг 797 сўмлик маҳсулот-а! Дастурхонимиз кун сайин қуриб-қақшаб бораётган кунларда, наҳотки, баъзи бир кишилар картошканинг қадрига етишмаса! Бунинг устига у уруғлик бўлса! Экилганда озмунча ҳосил олинармиди!! Балки Хоразмда картошка мўлкўлдир!! Эй, қаёқда дейсиз! Ишонмасангиз, дўконлар ва бозорларни бир айланиб кўринг.

Авваллари мазкур воҳада картошка экилмасди. Кўпчилик: «Бу ерда картошка битмайди», — деган қатъий фикрда эди. 1982 йил охирида Шовотда янги совхоз ташкил этилиб, унга «СССР 60 йиллиги» номи берилди. Хўжалик асосан картошка етиштиришга ихтисослаштирилиши керак эди, шундай қилинди ҳам. Ўтган саккиз йил мобайнида хўжаликда картошкачилик бўйича озми-кўпми тажриба орттирилди. Эл дастурхонига бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қатори кўп миқдорда картошка етказиб берилди. Хуллас, Хоразмда картошкачиликка асос солинди. Ҳозир қатор бошқа хўжаликлар ҳам картошка етиштирмоқдалар. Тўпланган илғор тажриба асосида «СССР 60 йиллиги» совхози директори А. Абдуллаев китобча ёзди, у Тошкентда нашр этилди.

«СССР 60 йиллиги» совхози пешқадам хўжаликлар қаторида матбуотда, радио ва телевидениеда тез-тез тилга олинадиган бўлди. Чунончи, «Хоразм ҳақиқати»нинг 1990 йил 13 февраль сонида шу рўзнома мухбири билан А. Абдуллаев қилган суҳбат босиб чиқарилди. Унда жумладан, бундай дейилади:

«Ҳозиргача беш йилликнинг тўрт йилига белгиланган планлар ошириб бажарилди... Картошка етиштириш плани 123, сабзавот 148, полиз 102, мева 130, узум 145, беда уруғи 300, гўшт 129, сут 140, тухум 108, пилла 108 процентга уддаланди».

Худди шу куни Шовот район «Шовот истиқболи» рўзномасида ҳам мазкур хўжалик ҳақида қувончли маълумотлар босиб чиқарилган. Ҳа, бу ерда мақтаса мақтагудек ишлар оз эмас. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

«Курашади икки тулкин, қараб турайми?» — деб ўзига хитоб қилган эди атоқли шоирларимиздан бири. «СССР 60 йиллиги» совхози атрофида кўпдан бери давом этиб келаётган гап-сўзлар, ёз-ёзлар беихтиёр худди шу фикрни эслатди бизга. Текширувчилар ва тафтишчилар қараб туришгани йўқ. Аксинча, енг шимариб зўр ғайрат билан ишлашмоқда, қоғоз ҳам анқонинг уруғи бўлиб турган ҳозирги кунларда даста-даста қоғозларни қоралашмоқда. Лекин натижаси — сароб!

Бу баъзи бир кишиларнинг эътирозига сабаб бўлаётир. Масалан, Шовот район Кенгаши депутати Р. Шарипов «Хоразм ҳақиқати»да (1991 йил, 6 февраль) чоп этилган «Бегуноҳ айбдормиз» сарлавҳали мақоласида нималар дейди: «Адолат ва ҳақиқат талаб қилиб вилоятда бош урмаган идорамиз, хат ёзмаган ташкилотимиз қолмади, десак муболаға бўлмайди... Минг афсуслар бўлсинки, шахсий манфаат ёки ғараз мақсадида эмас, балки меҳнаткашлар талаби асосида шундай қилдик. Бироқ текширувчилар биз ўйлаганча «ишбилармон» эмас экан. Кўпчилик камчиликларни, хатоларни «илғай» олишмади. Эҳтимол...?».

Иккинчи тарафдаги кишилар — «СССР 60 йиллиги» совхози меҳнаткашлари номидан турли ташкилотларга шикоят хатлари ёзаётганлар ҳам тиниб-тинчиётгани йўқ. Шундай мактублардан бири рўзномамиз таҳририятига топширилган эди. Унга 41 нафар киши қўл қўйган. Хатда бундай дейилади:

«Биз, совхоз меҳнаткашлари ушбу аризани ёзиб, сиздан нажот сўраймиз. Биз туҳматга қолиб, бир ярим йилдан ошиқ даврда азият чекмоқдамиз. Иқтисодий, маънавий эзилаётганимиз тўғрисида вилоятдаги партия, совет, маъмурий, назорат органларига бир қанча марта арз қилдик. Аммо ҳақиқатни аниқлаб, бизни ҳимоя қиладиган биронта раҳбар топилмади. Шунинг учун ҳам биз сизга мурожаат қиляпмиз».

Текширувда бу гапда жон бор эканлиги аниқланди. Биргина мисол: совхоз директори А. Абдуллаев 1990 йил 7 декабрда Хоразм область прокуратурасига ёзган хатига ҳали ҳам жавоб ололгани йўқ. Биз прокуратурада бўлиб, масъул ўртоқлардан шу ҳақда сўраганимизда ишонарли жавоб бериша олмади. Ўша хатда пухта текшириб кўришга арзигулик қуйидаги жиддий фикрлар баён этилган эди:

«Совхозда яшовчи бир группа шикоятчиларнинг партия, совет ва маъмурий органларга ёзган шикоят аризалари бўйича қайта-қайта ревизия ва текширишлар 1989 йил августдан ҳозирги вақтгача давом этиб келмоқда.

Совхознинг дон ва материаллар сақланадиган омбори 1990 йил апрель ойидан то ҳозирги кунгача уч марта текширилди ва ниҳоят ҳозирги кунда ҳам вилоят ички ишлар бошқармасининг БХСС бўлими ходимлари томонидан тўртинчи марта текшириш учун бухгалтерия ҳужжатлари олиб кетилди.

1988, 89 ва 90-йиллардаги уруғлик картошканинг бухгалтерия ҳужжатлари ревизия қилиб текшириб кўрилди. Лекин уруғлик картошкадан ҳеч қандай камомад ёки зиёд чиқмади...

Шу қайта-қайта ревизия ва текшириш натижасида кўп киши иш вақтини йўқотди. Совхоз ишлаб чиқаришига салбий таъсир етказди. Бундан хўжалик катта иқтисодий зарар кўрди...».

Бизнингча, 310,9 тонна уруғлик картошканинг нобуд этилгани бунга мисол бўла олади. Воқеа тафсилоти қуйидагича.

Хоразм область прокуратурасига тушган шикоят бўйича топшириқ билан 1990 йил 17 апрель куни совхозга келган область ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими вакили Ҳ. Абдуллаев бошқалар ёрдамида текшириш бошлайди. Совхоз дирекцияси омборхоналарда сақланаётган уруғлик картошкани жойидан қўзғаш мумкин эмаслиги, шундай қилинса, у чириб кетиши мумкинлиги ҳақида уларни огоҳлантиради. Ҳ. Абдуллаев эса билганидан қолмайди. Хуллас, ташқарига чиқарилиб ўлчаниши оқибатида 310,9 тонна уруғлик картошка нобуд бўлди. «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни»да бундай дейилади:

«Барча хил ревизия ва текширишлар хўжалик юритиш самарадорлигини оширишга кўмаклашиши лозим ҳамда корхоналарнинг бир маромда нормал ишлашига халақит бермаслиги керак. Ревизия ва текширишларнинг натижалари меҳнат коллективига маълум қилинади».

Совхоз меҳнат коллективи кўрилган иқтисодий зарарни ундириб беришни сўраб Хоразм область судига даъво ариза топширди. Ариза Шовот район халқ судига юборилди. Ушбу фуқаролик иши О. Худойберганов раислигида кўрилиб, 1990 йил 13 ноябрда ҳал қилув қарори чиқарилди. Унда: «Даъвогар Шовот районидаги «СССР 60 йиллиги» совхозининг даъвоси қаноатлантирилсин», — дейилади.

Қарордан норози томонлар 10 кун ичида ушбу суд орқали Хоразм область судига шикоят этишга ҳақли эди. Шундай қилинмади. Негадир орадан икки ой ўтгач, мазкур фуқаролик иши область суди президиумида кўрилди. Бу ҳақда область суди раиси Р. Алимқулов «Хоразм ҳақиқати» рўзномасига «Қарор бекор қилинди» сарлавҳали ахборот берди. Ахборот 1991 йил 6 февралда босиб чиқарилди. Уни айнан келтирамиз:

«Шовот районидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалиги маъмуриятининг Удабоев Раҳмон, Пиржонов Жуманазар ва бошқалардан 310,9 тонна уруғлик картошка чириб кетиши натижасида етказилган 182 минг 797 сўм моддий зарарни ундириш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича Шовот район халқ суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори вилоят суди президиумининг 1991 йил 15 январдаги қарори билан бекор қилиниб, даъво аризаси (**кимнинг даъво аризаси? — У. Ю.**) кўрмасдан қолдирилди.

Халқ судининг ҳал қилув қарори бекор қилинишига 310,9 тонна картошка яроқсиз ҳолга келиб, давлат хўжалигига моддий зарар етказилганлиги факти бўйича тергов органлари томонидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракати олиб борилаётганлиги, ҳал қилув қарорининг мазмуни қонун талабида ёзилмаганлиги асос бўлди.

Ушбу фуқаролик ишини кўришда йўл қўйган камчиликлари учун Шовот район халқ судининг раиси О. Худойбергановга нисбатан хусусий қарор чиқарилди».

Биз ўртоқ Р. Алимқулов ҳузурида бўлдик.

— Рўзномага ахборотни ўзингиз ёзганмисиз? — сўраймиз ундан.

— Ҳа, — деди-ю, негадир хижолат тортди у.

«СССР 60 йиллиги» совхози меҳнат коллективи даъво аризасини кўриб, ҳал қилув қарори чиқарган Шовот район халқ судига ва бу қарорни бекор қилган Хоразм область суди президиумига эътироз билдиришдан йироқмиз. Лекин уларнинг қанчалик қонуний йўл тутишганини жумҳурият Олий суди аниқлаб беришига ишонамиз.

Ҳамон Хоразмдан картошка ҳиди келиб турибди. Бир-бирига қарши бўлган икки тараф кишилар ўз даъволарини исботлаш мақсадида ҳаракат қилишмоқда. Кимлар ҳақ бўлса, ўшаларнинг юзи ёруғ бўлади. Бир кун эмас бир кун ҳақиқат қарор топмай иложи йўқ. Бунинг учун энг аввало шикоятларни текширувчи масъул кишилар соф виждон ва одиллик билан ҳакамлик қилишлари шарт. Буни эсдан чиқармаслигимиз керак. Бизни эса бундан ҳам муҳим масала — нобуд бўлган 310,9 тонна уруғлик картошка қизиқтиради. Иқтисодий танглиқлар, етишмовчиликлар юз бериб турган ҳозирги даврда кўр-кўрона қилинган бундай хатти-ҳаракатларга асло йўл қўймаслигимиз керак. Шунда деҳқонларимиз қилган ҳалол меҳнат юзага чиқади, шунда дастурхонимизга қут-барака киради.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Транспорт иқтисоди ва уни бошқариш, автомобиль хўжалиги, автомобиль транспорти ишини режалаш, транспортда юк ва пассажирлар ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш, автомобиль йўллари ва аэродромлар қурилиши мутахассисликлари бўйича

ҚИСҚА МУДДАТЛИ
СИРТҚИ ЎҚИШГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул қилинувчилар 0316-автомобиль жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш, 1601- автомобиль транспортидан фойдаланиш, 1610-транспортда юк ишларини механизациялаштириш, 1617-автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш, 1712, 1714, 1749-автомобиль транспорти ишини режалаш, 1215-шаҳар ва завод ички йўлларини қуриш ва ишлатиш, 1216-автомобиль йўллари ва кўприклар қуриш ва ишлатиш, 1219-кўприклар ва бошқа сунъий иншоотлар, 1221-аэродромларни қуриш ва ишлатиш мутахассисликлари бўйича ўрта махсус билим юртларини тамомлаган, 45 ёшгача бўлган ва шу мутахассисликлар бўйича 2 йилдан кўп ишлаган мутахассислар бўлиши керак.

Ўқиш муддати — 4,5 йил.

Ташкилотлар қисқа муддатли сиртқи курсларда мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни қисман қоплайди (бир ўқувчига 3000 сўм пул миқдорида).

Ушбу қисқа муддатли сиртқи ўқишни тамомловчиларга ихтисоси бўйича муҳандис мутахассислиги ва олий маълумот тўғрисидаги диплом берилади. Қисқа муддатли ўқишга имтиҳонлар ўрнига махсус комиссия суҳбатидан ўтадилар, суҳбат 29 июнда ўтказилади.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак: ректор номига ариза, ўрта техника маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусха), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи ҳақида маълумотнома (086/У намуна), 6 дона фото сурат (3х4 см).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадор ҳужжат шахсан кўрсатилади.

1991—92 ўқув йили учун ҳужжатлар 27 июнгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй, 2-қават, 92-хона.

Телефон: 33-45-08.

Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси қошида

«ОСИЁ» ИЖОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

«Осиё» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси замонавий япон аппаратураси билан жиҳозланган бўлиб, унинг ихтиёрида япон кассеталари мавжуддир.

Моҳир режиссёрлар ва операторлар мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, олий ўқув юртларидаги ўқув жараёнида фойдаланиш мақсадида Сиз учун кино ва видеофильмларни суратга олиб беришади.

Булар ҳар қандай жанрдаги, билимларнинг турли соҳалари — адабиёт, география, тарих, математика, кимё, физика ва ўзбек тили, рус тили, чет тилларини ўрганиш бўйича бошқа ўқув курсларига оид картиналар,

шунингдек, юбилей саналари, муҳим воқеалар ва бошқаларга бағишланган кино ва видеофильмлар бўлиши мумкин.

Фильмларнинг юксак савияли ва сифатли тайёрланишига кафолат берамиз.

Кино ва видеофильмлар учун давлат нархларида ҳақ тўланади.

«ОСИЁ» ИЖОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ СИЗЛАРНИНГ БУЮРТМАЛАРИНГИЗНИ КУТАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 27-алоқа бўлими, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98-уй. Телефон: 45-32-41.

СССР Давлат ҳисоб комитетининг иқтисодий ахборотларни ҳисобга олиш, ҳисоблаш ва машинада ишлов бериш соҳасидаги тармоқлараро раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш институтининг

ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИ

кафедралар бўйича
профессор-ўқитувчилар таркибидаги
БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессорлар: ҳисоблаш, ҳисобхона ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва таҳлил қилиш, ижтимоий фанлар, режалаштириш ва бошқариш (0,5), руҳшунослик ва тиллар;

доцентлар: ижтимоий фанлар, режалаштириш ва бошқариш (0,5), ҳисоблаш (2), ва ҳисобхона ҳисоби ва назорат (3), ҳисоблаш техникаси ва информатика;

катта ўқитувчилар: ижтимоий фанлар, режалаштириш ва бошқариш, ҳисобхона ҳисоби ва назорат, бошқариш, руҳшунослик ва тиллар, информатика ва ҳисоблаш техникаси (0,5);

ўқитувчилар: ҳисобхона ҳисоби ва назорат, ҳисоблаш техникаси ва информатика.

Танловда мутахассислиги бўйича амалий иш тажрибаси ва меҳнат фаолиятига эга бўлган, ҳисобга олиш, ҳисоб ва иқтисод соҳасидаги раҳбар ходимлар ва етакчи мутахассислар ҳамда олимлар қатнашиши мумкин.

Танлов муддати — 24 апрелгача.

Ҳужжатлар танлов тўғрисидаги низомга мувофиқ қуйидаги манзилга юборилсин: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский кўчаси, 42-уй, кадрлар бўлими.

Телефонлар: 67-19-03, 67-19-13.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Ш. А. АЛИМОВ НОМИДАГИ ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бўлим мудирлари: Сил касалликларини даволаш ва реабилитация, сил ва носпецифик касаллигини асбоблар билан аниқлаш, пульмонология, сил ва носпецифик ўпка касалликлари эпидемиологияси, касалликни тажриба ва лаборатория усули билан ўрганиш (фан докторлари ва номзодлари);

катта илмий ходим: даволаш ва реабилитация бўлимига (4), сил ва носпецифик касаллигини аниқлаш (2), пульмонология (1), сил ва носпецифик ўпка касалликлари эпидемиологияси (1), касалликни тажриба ва лаборатория усули билан ўрганиш (3), — фан доктори ёки номзоди;

кичик илмий ходимлар: даволаш ва реабилитация бўлимига (5), сил ва носпецифик касаллигини асбоблар билан аниқлаш бўлимига (2), пульмонология (5), сил ва носпецифик ўпка касалликлари эпидемиологияси (1), касалликни тажриба ва лаборатория усули билан ўрганиш (6), фан номзоди ёки иш стажи мутахассислик бўйича 3 йилдан кам бўлмаслиги лозим).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700086, Тошкент шаҳри, Алимов кўчаси, 1-уй, илмий бўлим, телефон 78-07-30.

Ўзбекистон ССР
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

лабораториялар бўйича
БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир, катта илмий ходим, кичик илмий ходимлар (2); ракни прогнозлаш;

катта илмий ходимлар: ультратовуш ёрдамида ташхис қўйиш, клиникавий радиология, канцерогенез механизмлари;

кичик илмий ходимлар: канцерогенез механизмлари, комплекс терапия (2), иммунотоксинлар.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 27 АПРЕЛГАЧА.

Ҳужжатлар танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ қуйидаги манзилга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг
КИМЁ ИЛМГОҲИ
лабораториялар бўйича
бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Етакчи илмий ходим: адсорбция;

кичик илмий ходимлар: электр кимё ва занглаш (коррозия), ўғитлар экологияси, флокуляция.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Горький шоҳкўчаси, 77-уй. Телефон 62-75-61.

●

Тошкент машинасозлик (аввалги политехника олий билимгоҳи механика факультетини) машинасозлик технологияси ва металл қирқиш мутахассислиги бўйича

1971 ЙИЛДА БИТИРГАН МУҲАНДИСЛАРНИНГ УЧРАШУВИНИ 10—12 МАЙДА ЎТКАЗАДИ

Мурожаат учун телефонлар: 46-54-28 Жўраев А. 21-07-30, 21-07-25 Фозилбеков Х. И. 41-11-73 Ғафуров Б. Х.

●

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/IV да **Тўмарис.** 20/IV да **Нажот истаб,** 21/IV да **А. Қодирийнинг Ўтган кунлари.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 19/IV да **Кулги кечаси.** 20/IV да **Куёвлар конкурси,** 22/IV да **Юсуф ва Зулайҳо.**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/IV да **Гўзаллар ва миршаблар** (17.00, 19.00), 20/IV да **Отасининг қизи,** 21/IV да **Лақма куёв.**

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқаруви, уюшма аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Юнусовга акаси

Юсуф
ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Ғафуровга онаси

Малика
МУСТАФОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт физика-математика таҳририятининг катта муҳаррири Н. Ғоиповга отаси

Нишонбой
ҒОИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР қурилиш вазирлиги «Ўзтрансспецстрой» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси бирлашма бошлиғи О. А. Ориповга отаси

Орипжон
КАЛОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги илмгоҳи жамоаси илмий ходим, техника фанлари номзоди Б. Раҳмоновга қизи

ФЕРУЗАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СПОРТ

Халқ ўйинлари: ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

● **Бугун Жиззах вилоятининг Фориш ноҳияси маркази ҳар қачонгидан гавжумлашади. Бу ерда ўзбек халқ ўйинлари ҳамда миллий спорт турлари мавзуида Бутуниттифоқ илмий-амалий анжуман бошланади.**

Хайрли тадбир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланади. Боиси, халқимизнинг узоқ йиллик қадриятларини тиклашдан иборат. Йиғиннинг Жиззах вилоятида ўтказилишининг ҳам сабаби бор. Жиззахликлар халқ ўйинларига кўп йиллардан бери эътибор қилиб келадилар. Қадимий спорт турларини ривожлантириш ва оммавийлаштириш, қолаверса, ўрганиш мақсадида Москва, Ленинград, Киев, Минск, Қозон, Иркутск ва Чита шаҳарларидан келган 300 дан ортиқ мутахассис ўзаро фикр алмашадилар. Меҳмонлар миллий ўйин баҳсларини томоша қиладилар.

Кураш: ЯНА БИР ОЛТИН

● **Воронеж шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган СССР чемпионатида жумҳуриятимиз полвонлари муваффақиятли беллашишга ҳаракат қилишди.**

Чунончи, тошкентлик Рамил Атауллин 68 килограмм вазнли курашчилар билан беллашувда муваффақият қозонди.

Бокс: ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

● **Таиланднинг Бангкок шаҳрида Куба ва СССР боксчилари иштирокида қирол кубоги учун мусобақа ўтказилди.**

Чарм қўлқоп усталари баҳсида иштирок этган тошкентлик Игорь Бунин ҳам ғолиблик супасига кўтарилди.

Футбол: ДАДИЛ ҚАДАМ

● **СССР терма жамоаси Европа чемпионатида саралаш учрашувини сафарда Венгрия футболчилари билан ўтказиб (1:0)** финалга чиқиш йўлида дадил қадам ташлади. Футболчиларимиз ҳисобидаги очколар бештага етди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент—ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5207.

№ 76. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12